



**Ҳурматли маҳалла раислари,
азиз маҳалладошлар!**

**2022 йилнинг июль ойидан бошлаб,
мамлакатимиздаги 9 349 та
маҳалланинг ҳар бири учун**

ҲАФТАДА 1 МАРТА

«Mahalla» газетаси,

ҲАР ОЙДА 1 МАРТА

«Mahalla ko'zgusi» журнали

1 дондан тақдим этиб борилмоқда.*

Фурсатни бой берманг,

2022 йилнинг II-ярим йиллиги учун

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

МЕН ОБУНА БЎЛДИМ, СИЗ-ЧИ?..

«ИДОРАМНИ ГАЗЕТАСИЗ ТАСАВВУР ҚИЛОЛМАЙМАН»

**Илҳомхўжа АСАДОВ,
Шайхонтоҳур туманидаги «Хувайдо»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Бугун маҳалла раиси кенг дунёқараш, теран тафаккурга эга бўлмаса, одамларни ўз ортидан эргаштира олмайди. Бунинг учун мунтазам ўқиши, изланиши, малака ошириши, тажриба тўплаши керак. Севимли нашримиз — «Mahalla» газетаси бу борада менга энг яқин кўмакчи, энг зарур ҳамроҳ! Маҳалла раисининг хонасини газетасиз қандай тасаввур қилиш мумкин?! Матбуотсиз даврдан, жамиятдан, ҳамкасбларидан ортда қолиб кетмайдими? Тез-тез қулоғимизга



чалинаётган «мажбурий обуна» иборасини ким қандай қабул қилади, билмадим, мен ҳар йили биринчилардан бўлиб «Mahalla» газетасига обуна бўламан. Чунки мазкур нашрдан ўзимга нима керак бўлса, барчасини топаман. Ўқиган вақтимга, обуна учун сарфлаган маблағимга асло ачинмайман!

«ЎЗИМИЗНИНГ ГАЗЕТА ҲАР ДОИМ АСҚАТАДИ»

**Меҳриддин МИРЗАЕВ,
Самарқанд шаҳридаги «Бешчинор»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Маҳаллага раис бўлиб сайланганимдан сўнг, аввало, ишимни газетасига обуна бўлишдан бошладим. Нега? Биринчи навбатда, менда соҳага тегишли билим, тажриба ва малакани қандай оширсам бўлади, деган савол туғилди. Тўғри, ўқув-қўлланмалар, адабиётлар бор, семинар ва тренинглари ташкил этиляпти. Буларнинг ҳаммаси билим ва амалий кўникма бериши мумкин, аммо тажриба ва малака бермайди. Тажриба, маҳорат фақат ҳаёт синовларида тобланади.



Раис тажрибани қаердан ўрганади? Ҳамкасбидан. Ҳамкасби Андижонда, ўзи Бухорода бўлса-чи? Мана шу жойда газета асқатади, «тил»га киради. Чунки бу газета маҳалла раисларининг минбари, тизимнинг ягона нашри! Мана шу сабаб «Mahalla» газетасига обуна бўлганман.



МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЎҚУВИ:

Билим, малака ва кўникмалар майдонига айланди



Семинарлар давомида маҳалла раисларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишда сектор раҳбарлари билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳар куни битта вилоят сектор раҳбари билан давра суҳбатлари ўтказилади. Ўқув-семинарларнинг охириги куни маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тайёрланиб, тақдимот қилинади ва ўқитилган мавзулар бўйича тест синови ўтказилади.

2-саҳифада.

«ОБУНА МАЖБУРИЙ ЭМАС...», ДЕБ ЎЙЛАБ ЎТИРМАЙМАН»

**Лутфилло ШОКИРОВ,
Мингбулоқ туманидаги «Тўпсада»
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Бугун маҳалла раиси зиммасидаги вазифалар кўлами кенг, масъулияти ғоятда катта. Ҳар соҳада одил ва халқчил қарор қабул қилишни, одамлар дарду ташвишларини ўйлаб, уларни рози қилиб яшашни халқ ва ПРЕЗИДЕНТ кутяпти.

Бу ҳақли талаб! Шу маънода тизимнинг энг нуфузли нашри ҳисобланган «Mahalla» газетаси менга беминнат кўмакчи. Газета менга фикр беради, маънавиятга чорлайди, тафаккуримни чархлайди! Шу боис «обуна мажбурий



эмас...», деб ўйлаб ўтирмайман.

СЕМИНАР

МАҲАЛЛА РАИСЛАРИ ЎҚУВИ: Билим, малака ва кўникмалар майдонига айланди

Хабар берганимиздек, жорий йилнинг 1 июль санасидан юртимизнинг барча ҳудудларида маҳалла раислари учун ўқув семинарлари бошланди. 6 августга қадар давом этадиган семинарларда маҳалла раислари билишлари лозим бўлган 18 та асосий мавзуда сўз боради. Хусусан, маҳалла тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, маҳалла раисларининг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маҳалладаги бешлик (ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика нозир) билан яқдилликда ҳамда ҳокимлар, сектор раҳбарлари, маҳаллий кенгаш ва давлат органлари билан ҳамкорлигига доир барча ташкилий ва амалий масалалар батафсил ёритилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Халқимизда азалдан кенгашли ишлар маҳалла билан бамаслаҳат қилинган. Шу боис маҳалла раиси одамларни ўз ортидан эргаштира оладиган, ҳаётини тажрибага эга, салоҳиятли, бош ислохотчи бўлмоғи лозим. Уларда айна шу кўникмаларни шакллантириш мақсадида Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида ўқув-семинарлари ташкил этилган. Ҳозир бу ерда Мирзо Улуғбек, Сирғали ҳамда Янгиҳаёт туманларининг 146 нафар раиси замонавий методикага асосланган интерактив усулда ўқитилмоқда.

— Янги раис бўладими, амалдаги тажрибали раис бўладими, бундай семинарлар бизга керак, — дейди **Мирзо Улуғбек туманидаги «Катта Қорасув» маҳалласи раиси Наима Жабборова**. — Аксарият раислар амалиётчи бўлиши мумкин, лекин барибир уларга назария керак. Маҳалла раиси битта жойда тўхтаб қолмаслиги зарур. Тўғри, «Mahalla» газетаси орқали янги чиққан ҳужжатлардан, тизимдаги илғор тажрибалардан бохабар бўламиз, лекин уларни ҳаётга тўғри татбиқ этишда барибир билим керак. Шу маънода бундай ўқувларда билим ва малакамизни оширсак, бу ишимизда, албатта, самара беради.

Айтиш керакки, ўқув-семинари дастури 36 соатга мўлжалланган бўлиб, мавзулар интерфаол усулда, семинар-тренинг, амалий машғулот ва давра суҳбатлари тарзида ёритиб берилади.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Айни пайтда вилоятда маҳаллаларнинг

1058 нафар сайланган раислари иштирокида ўқув-семинарлари ўтказилмоқда. Унда раисларнинг ўз маҳалласи «ўсиш нуқтаси»ни аниқлаш ва шу асосда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолига банк кредити, субсидия ажратишга қўмаклашиш, янги иш ўринлари яратиш, айнан шу ҳудудга хос муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш масалалари бўйича амалий билим ва кўникмалари ошириляпти.

Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ана шундай семинарларнинг навбатдаги гуруҳида қатнашаётган Фарғона ва Кувабой шаҳри, Фарғона туманидан келган 177 нафар маҳалла раиси билан юзма-юз суҳбатлашди.

— Хизмат кўрсатиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш маҳалламизнинг «драйвери» сифатида белгиланган, — дейди **Фарғона шаҳридаги «Бешбола» маҳалласи раиси Расулжон Саидалиев**. — Бугунги кунда ҳар бир оила кесимида тушунтириш ишлари олиб борилиб, оилалар фаровонлигини яхшилаш, даромад манбаларини кенгайтиришга катта эътибор қаратиляпти. Ўз навбатида маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш доимий эътиборимизда. Бундай очиқ ва жонли мулоқотлар фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоят ҳокими Муротжон Азимов ўқув-семинарлари давомида билим, кўникма ва малакаларини ошираётган Фузор, Қамаш, Деҳқонобод туманлари ва Қар-

ши шаҳридан бўлган 223 нафар маҳалла раислари билан мулоқот ўтказди.

Фуқаролар йиғинлари раисларининг раҳбарлик маҳорати ва муомала маданияти, аҳолининг эҳтиёжманд қатлами ва кекса авлод вакилларини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг ваколати ва бошқа қатор вазифалар юзасидан фикр алмашилди. Вилоят ҳокими 4 та сектор раҳбарларига ҳудудларда маҳаллалар фаолиятига яқиндан қўмаклашиш, улардаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишда ёрдам бериш лозимлиги бўйича алоҳида топшириқлар бериб ўтди.

— Бу йил маҳалла раислигига биринчи марта сайландим, — дейди **Деҳқонобод туманидаги «Оқиртма» маҳалласи раиси Хусниддин Бозоров**. — Номзодимни қўйган илк кунлардан оқ раислик масъулияти нақадар катта эканини ҳис этганман. Шундай бўлса-да, маҳалла фаоллари билан ҳамжиҳатликда ишимизни тўғри йўлга қўйиб олдик. Бугунги семинарда тизимга оид қонунчилик, ваколат ва мажбуриятларимиз ҳақида янада аниқроқ маълумотларга эга бўляпмиз. Ҳудудимизни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда секторлар билан ҳамкорлик масалаларини чуқурроқ ўрганипмиз. Уйлайманки, бу ерда олган билимларимиз фаолиятимиз давомида бизга қўмақдош бўлади.

Семинарлар давомида маҳалла раисларининг аҳоли муаммоларини ҳал этишда сектор раҳбарлари билан ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ҳар кун битта вилоят сектор раҳбари билан давра суҳбатлари ўтказилди. Ўқув-семинарларнинг охириги кун маҳалла раисларининг 2022 йилга мўлжалланган манзилли Иш режалари тайёрланиб, тақдимот қилинади ва ўқитилган мавзулар бўйича тест синови ўтказилади.

Ўқув-семинарлари барча ҳудудларда давом этмоқда.

Мухбирларимиз.



Қорақалпоғистон маҳаллаларида тиббиёт пунктлари ташкил этилади

МОҲИЯТ

«Қорақалпоғистон Республикасида 2022–2024 йилларда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишни янада кучайтириш тўғрисида» Президент қарори (ПҚ–310, 07.07.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ, қуйидагилар ташкил этилади:

- ☑ Қорақалпоғистон Республикасида сурункали касаллиги ва ногиронлиги мавжуд бўлган болалар учун **120 ўринли Болалар тиббий реабилитация маркази;**
- ☑ **80 ўринли Болалар фтизиатрия санаторийси;**
- ☑ Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибида **20 ўринли хирургия бўлими;**
- ☑ Қорақалпоғистон Респуб-

ликаси кўп тармоқли тиббиёт марказининг хирургия бўлими негизда академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг **Нукус филиали;**

☑ Нукус шаҳар тиббиёт бирлашмаси таркибида мавжуд ўринлар доирасида умидсиз оғир беморлар учун **20 ўринли паллиатив ёрдам кўрсатадиган бўлим (хоспис).**

2022 йил якунигача:

- ☑ бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларидан узоқ масофада жойлашган маҳаллаларда **қўшимча 34 та маҳалла тиббиёт пунктлари ташкил этилади;**
- ☑ тез тиббий ёрдам хизмати **63 та** янгитез тиббий ёрдам

махсус автотранспортлар билан таъминланади.

2022 йил 1 сентябрдан:

- ☑ кўп тармоқли марказий поликлиника ва оилавий поликлиника **филиаллари негизда 16 та оилавий шифокор пунктлари** ташкил этилади;
- ☑ болалар орасида кўп учраётган касалликларни эрта аниқлаш мақсадида **2–10 ёшли болалар орасида гелиминтоз, 12–15 ёшли қизлар орасида камқонлик** касаллиги бўйича **скрининг дастурлари** жорий этилади.

Қарорга қўра, Соғлиқни сақлаш вазирининг **Оролбўйи минтақасида тиббий хизмат бўйича ўринбосари** лавозими жорий этилди.

Қарорга қўра, Соғлиқни сақлаш вазирининг **Оролбўйи минтақасида тиббий хизмат бўйича ўринбосари** лавозими жорий этилди.

Вазир ўринбосари ўз фаоли-

ятини устувор тарзда Оролбўйи минтақасида ташкил этади ҳамда соҳага оид муаммоларни шаҳар ва туманларнинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда жойида ҳал этиб бориш учун тегишли чоралар кўрилишини таъминлайди.

2022 йил 1 июлдан лепрозийларда ишлайдиган барча ходимларнинг лавозим маошига **50 фоиз** миқдорда устама белгиланади.

Қарорга қўра:

- ☑ камида 3 йиллик иш стажига эга **оилавий шифокорларни бирламчи бўғинда тор соҳа мутахассиси** сифатида ишлаши учун **маҳаллий бюджет маблағлари** ҳисобидан **қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади;**
- ☑ тиббиёт ОТМ битирув-

чилари ҳамда тиббиёт муассасалари мутахассисларини тез тиббий ва шошилиш ёрдам хизматида ишлаши учун **Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси** маблағлари ҳисобидан қайта тайёрлаш курсларида ўқитилади;

☑ 2022–2024 йилларда камида **75 нафар** тиббиёт ходимлари нуфузли хорижий тиббиёт муассасалари ва марказларига **малака ошириш ва стажировка ўташ** учун юборилади.

Қарор билан Қорақалпоғистон Республикасида 2022–2024 йилларда аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча **чора-тадбирлар** дастури тасдиқланди.

МУНОСАБАТ

«ОРЗУ-ИНТИЛИШИМИЗ, ТАҚДИРИМИЗ МУШТАРАК.»

2015 йилдан буён маҳаллага раислик қилиб келаман. Тизимда ҳам, ҳаётда ҳам кўрмаганим, билмаганим кам қолди. Биз Нукус шаҳридаги энг йирик маҳаллаларданмиз. Аҳолимиз саккиз минг нафарга яқин. Ўзбек, қорақалпоқ, қозоқ, туркман, татар, корейс, рус миллатига мансуб одамларимиз аҳилиноқ яшаб келишган. Қуда-анда, дўсту ёр бўлиб кетганмиз. Тўю маъракада биргамиз, улфатимиз бир, орзуимиз, интилишларимиз, тақдиримиз бир.



Носир ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ўтган кунларда рўй берган воқеалар ёмон ниятли кимсаларнинг ифвосидан ўзга нарса эмас. Ахир бизни — икки миллатни айро кўриб бўладими? Халқимиз «Айрилганни айиқ бўлинганни бўри ер», дейди. Афсуски, бир гуруҳ ёшлар ана шу ифвогарлар фитнасига учгани рост. Бироқ, унутмаслик керакки, этни тирноқдан ажратиб бўлмаганидек, ўзбеклар ва қорақалпоқлардек аҳил, иноқ ҳамжихат қардошларни манфур мақсадли фитнакорлар енга олмайди.

Бу борада Президентимизнинг саъй-ҳаракатлари, қабул қилган оқилона қарорлари халқимизнинг тинчлигини сақлашнинг муҳим кафолати бўлди. Айниқса, Шавкат Мирзиёевнинг Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи, Жўқорғи Кенгес депутатлари ва жамоатчилик вакиллари билан учрашуви аҳолини ҳамжихатликка ва бирдамликка даъват этмоқда. Мана, бугунга келиб вазият анча барқарорлашди. Аҳоли, айниқса, кекса авлод вакиллари ёшларни бўлиб ўтган воқеалардан тўғри хулоса чиқаришга, турли ғаразли чақириқ ва ҳаракатларга берилмаслик бўйича тарғибот ишлари олиб бормоқда. Натижада ишлаб чиқариш корхоналари, меҳнат жамоалари аввалгидек бир маромда ишламоқда. Транспорт қатнови йўлга қўйилган. Хизмат кўрсатиш шохобчалари аҳоли хизматида. Умуман олганда, ҳудудда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари жадал давом этмоқда. Ўтган йиллар давомида биргина бизнинг маҳаллада қурилиш бўёқлари, алибастер, гипсакардон ишлаб чиқарадиган цехлар, минерал сув қадокловчи корхона ишга туширилди. Кўчаларимиз чироқлар билан таъминланди. Газ, электр энергияси, тоза ичимлик сув билан боғлиқ муаммолар тўла бартараф этилди.

Кўчалар асфальтланмоқда. 2016 йилда республикада биринчилардан бўлиб, аҳоли ва ҳомийлар кўмагида маҳалламиз биноси қайта қурилган. Ҳозирда маҳалла гузарини барпо этиш борасида иш олиб бораёмиз. Аҳолимизнинг катта қисми паррандачилик билан машғул. Маҳаллий бозорларга тухум, товук гўшти ва жўжалар етказиб берамиз. Оилавий тадбиркорлик ривожланяпти. Бир сўз билан айтганда, одамларнинг турмуш даражаси кун сайин ошмоқда. Буларни кўрмаслик, тан олмаслик ношуқурлик бўлади.

Айниқса, одамларни иш билан таъминлашда катта натижаларга эришяпмиз. Тўғри, бу борада ҳали камчиликларимиз бор. Аммо ҳеч нарса бирдан ўзгариб қолмайди. Ўтган йили 70 нафарга яқин фуқарога ўзини ўзи банд қилиш учун кредит ажратилди. Жорий йилнинг ўтган даврида 30 нафар фуқарога кредит берилди. Айримлар пайванд аппарати, тикув машиналари харид қилган бўлса, гўзаллик саломи очиш, қолипчилик ишлаб чиқариш учун маблағ олганлар ҳам бор. Менимча, амалга оширилаётган ишлар тарғиботини кучайтириш, одамларга яخشини ёмондан ажратиб бериш устида ишлашимиз керак. Таълимни янада ривожлантириш, китобхонликни тарғиб этишимиз лозим. Ёшлар туну кун интернетда ўтиравермасин. Уртамиздаги тотувлик, дўстлик ришталари узилмасдир. Биз бир Ватаннинг фарзандларимиз. Уни асраб-авайлаш, ривожлантириш ўз қўлимизда. Ҳеч ким буни биз учун четдан келиб қилиб бермайди. Шу боис Ватанимиз равнақи йўлида меҳнат қилишни давом эттиришимиз лозим.

Гулинар УТЕМУРАТОВА,
Нукус шаҳридаги «Гўне қалъа»
маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.



ЎЗБЕК-ҚОРАҚАЛПОҚНИНГ

Нияти пок, қордек оқ,
Ажралмас эту тирноқ,
Эртаси ёруғ, порлоқ,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Ёв кўпса мушт, хуни бир,
Шодлик, мотам кунни бир,
Сув ичар Жайхуни бир,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Сўзлашса, дард, сири бор,
Дашту дала, қири бор,
Ибройим шоири бор,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Навоийни ёд билар,
Бердақни устод билар,
Бошин бир офтоб силар,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Бирдир дoston, эртаги,
Оппоқ орзу, тилаги,
Юрт, деб урар юраги,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Бирдир туркий навоси,
Асрларнинг садоси,
Битта ер, сув, ҳавоси,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Эгилмасин қомати,
Қулсин бахт-саодати,
Оғзибирлик одати,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Ўчмас меҳр чироғи,
Қайнар кўнгил булоғи,
Яшнамоқда Мўйноғи,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Бовурум у, иним у,
Қариндош, яқиним у,
Дўстлиги бўлсин мангу,
Ўзбек-қорақалпоқнинг.

Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!



МАҲАЛЛА ХОДИМЛАРИ НЕЧА СОАТ ИШЛАЙДИ ВА ҚАНЧА МАБЛАҒ ОЛАДИ?

Май ойида бўлиб ўтган сайловларда 67,1 фоиз маҳалла раиси мазкур лавозимга биринчи марта сайланди. Ҳозир улар ҳудудларда ташкил этилган ўқув-семинарлари орқали тизим фаолияти билан яқиндан танишмоқда. Шу ўринда меҳнат қонунчилиги асосида айрим жиҳатларга эътибор қаратмоқчимиз. Хўш, маҳаллада меҳнат муносабатлари қандай тартибга солинади? Раиснинг иш вақти расман белгиланганми? Уларга ҳақ тўлаш қандай мезонлар асосида амалга оширилади?

Юқоридаги масалалар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 28 ноябардаги 944-сонли қарори билан тасдиқланган «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида меҳнат муносабатларини тартибга солиш тўғрисида»ги Низомда белгилаб қўйилган. Унга кўра, фуқаролар йиғини раиси ва ходимларнинг меҳнат мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро муносабат масалалари маҳалланинг ички ҳужжатларида аниқлаштирилади.



Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилади ва иш куни соат 07-00 дан 22-00 гача тақсимланади.

Маҳалла раиси фуқаролар йиғини ваколатларини амалга ошириш мақсадида Фуқаролар йиғини кенгашининг қарорига кўра, ҳудуд аҳолисини хизматлар кўрсатиш бўйича фуқаролик-ҳуқуқий шартнома асосида айрим ишларни бажаришга жалб қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, маҳалла ҳудудида яшайдиган ишсиз шахсларни жамоат ишларига жалб қилиш учун улар билан меҳнат шартномалари тузади. Уларнинг меҳнатига Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Жамоат ишлари жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳақ тўланади.

МЕҲНАТГА ҚАНДАЙ ҲАҚ ТўЛНАДИ?

Аввалги тартиб бўйича фуқаролар йиғини штатига кирадиган ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш Ягона тариф сеткаси бўйича амалга оширилди. Бироқ Ҳукуматнинг 2022 йил 8 январдаги 10-сонли тегишли қарори билан бу тартиб ўз кучини йўқотди. Эндиликда маҳалла ходимларига ҳақ тўлаш улар бириктирилган маҳалладаги хонадонлар сонига мутаносиб равишда амалга оширилади.

МАҲАЛЛА РАИСИ.

Президентнинг «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-147-сон қарорига асосан, 2022 йил 1 майдан бошлаб, уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича белгиланди:

- ▶ хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг

кам миқдорининг 4 баравари (3 680 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари (4 140 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари (4 600 000 сўм) миқдорида.

ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИ.

Президентнинг «Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарорига асосан, уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича белгиланди:

- ▶ хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада

— меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари (5 520 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6,5 баравари (5 980 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 7 баравари (6 440 000 сўм) миқдорида.

ҲОТИН-ҚИЗЛАР ФАОЛИ.

Президентнинг «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сон қарорига асосан, 2022 йил 1 майдан бошлаб, уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича белгиланди:

- ▶ хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг

3,5 баравари (3 220 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4 баравари (3 680 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,5 баравари (4 140 000 сўм) миқдорида.

ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ.

Президентнинг «Маҳалларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2022 йил 19 январдаги ПҚ-92-сон қарорига асосан, уларнинг ойлик иш ҳақи миқдори қуйидагича белгиланди:

- ▶ хонадонлар сони 500 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5 баравари (4 600 000 сўм)

миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 501 тадан 1 000 тагача бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 5,5 баравари (5 060 000 сўм) миқдорида;

- ▶ хонадонлар сони 1 000 тадан ортиқ бўлган маҳаллада — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 6 баравари (5 520 000 сўм) миқдорида.

Шу билан бирга, маҳалла раиси ва ходимларига фаолият самарадорлигига қараб қўшимча тўловлар, компенсациялар, мукофотлар тўланади. Мисол учун, ҳоким ёрдамчиларининг ҳозирги ойлиги миқдори аввалги иш жойидаги маошидан кам бўлса, етишмаган қисми ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан компенсация қилиб борилади.



ИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ ЙўЛГА ҚўЙИЛАДИ?

Юқоридаги Низомга асосан, маҳалла раиси ва ходимларининг иш тартиби қирқ соатлик ва олти кунлик иш ҳафтасидан келиб чиққан ҳолда, Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан тасдиқланадиган ички тартиб қоидаларига кўра белгиланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органида қонунчиликда белгиланган ваколатларни амалга ошириш бўйича фуқаролар йиғини фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, иш вақтининг жамланган ҳисоби юритилади ва иш куни соат 07-00 дан 22-00 гача тақсимланади. Маҳалла ходимларининг мослаштирилган иш вақти жадвали ходимларнинг лавозим мажбуриятларини бажаришини оптималлаштиришни ҳисобга олган ҳолда — фуқаролар йиғини раиси томонидан, маҳалла раисининг иш вақти жадвали эса — Фуқаролар йиғини кенгаши томонидан белгиланади. Иш жадвали уларнинг бевосита фуқаролар йиғини биносидан бўлиш вақти кўрсатилган ҳолда умумий кўринадиган жойда осиб қўйилади. Уларга ҳар йили 24 кунлик ҳақ тўланадиган меҳнат таътили берилади.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

ИЖТИМОЙИ ҲИМОЯ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинмоқда. Лойиҳа 2022 йилги Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган.

Пенсия тайинлашда нега исталган беш йиллик ҳисобга олинмайди?

Қайд этиш керакки, бугунги кунда пенсионерлар охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти даври учун ижтимоий солиқ тўлаган бўлса-да, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг ўн бараваридан ортқ бўлганда, қолган сумма пенсия ҳисоблашда инobatта олинмайди. Яъни ҳозирда фуқаронинг ўртача ойлик иш ҳақи пенсия ҳисоблаш базавий миқдорининг (2022 йил 1 майдан — 324 минг сўм) 10 баравари қисми (324 000×10=3 240 000) пенсия тайинлашда инobatта олинади. Юқоридаги қонун лойиҳаси билан ушбу чегарани 12 баробар (324 000×12=3 888 000) этиб белгилаш таклиф этилмоқда.

Буни янада соддароқ тушунтирсак, ҳозирда даромади юқори, масалан, 3 700 000 сўм ойлик олаётган фуқарога пенсия тайинлашда фақат 3 240 000 сўм миқдори олинади, қолган қисми инobatта олинмайди. Эндиликда пенсия тайинлашда 3 888 000 сўмни инobatта олиш таклифи берилмоқда, бу пенсия миқдори сезиларли ошишини таъминлайди (ушбу ўзгариш ойлик иш ҳақи 10 баробардан кам фуқароларга таъсир қилмайди).

Янги тартиб иш ҳақининг миқдори, иш стаж ва пенсия миқдори ўртасидаги боғлиқликни таъминлаш орқали пенсия тизимида ижтимоий адолат қарор топишига ёрдам беради. Яъни яхши ишлаб, яхши ҳақ олган одамлар яхшироқ пенсияга эга бўлиши имконияти янада ортади.

Ҳозирда қонун лойиҳаси дастлабки тарзда қўмита ва фракцияларда кўриб чиқилмоқда. Кейин-

чалик ҳужжат қўйи палата Кенга-шининг навбатдаги мажлисида муҳокама қилинади. Шундан сўнг, депутатлар лойиҳани уч ўқишда маъқулласа, ҳужжат қабул қилиниб, Сенатга юборилади.

МУАММОЛАР АЙТИЛАДИ, ЕЧИМИ ЭСА...

Шу ўринда депутатларимизга соҳага оид яна бир қатор ўзгаришларни амалга ошириш зарурати борлигини айтиб ўтишимиз жоиз.

БИРИНЧИДАН, 2019 йил 21 ноябрда давлат раҳбари томонидан аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишнинг устувор масалаларига бағишланган йиғилишда уч даражали пенсия таъминоти тизимига ўтиш бўйича берган топшириқлари юзасидан амалий ишлар ҳалигача бажарилмади.

Бунда, биринчи даражада давлат минимал пенсия миқдори белгиланиши, иккинчи даражада ходимнинг иш ҳақидан муайян сумма ушланиб, унинг шахсий ҳисоб-варағида тўпланиши ва Марказий банк қайта молиялаштириш ставкасидан кам бўлмаган фоиз ҳисоблаб борилиши керак эди. Учинчи даражада ходим пенсия жамғармасига ажратиладиган маблағ миқдорини ўзи белгилайди.

Бу тизим қўлланилса, фуқаро кафолатли давлат пенсиясини олиш билан бирга, ўз хоҳишига қараб, пенсия ёшида қанча пенсия олишини ўзи белгилаш имконига эга бўлади.

ИККИНЧИДАН, охириги ўн йиллик меҳнат стаж асосида пенсия тайинлаш тизимини қайта

кўриб чиқиш бўйича аҳолининг ҳақли эътирозларига ҳалигача ечим топилмаган йўқ. Айниқса, ишлаётган ходимнинг пенсияга чиқишда пенсия миқдорини тайинлаш тартиби бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Ҳозирда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси Давлат дастурига киритилгачина депутатларимиз қимирлаб қолишди. Хўш, қолган масалалар ҳам дастурларга киритилса ёки Президент тўхталиб ўтса, ечим топадими? Қани бизнинг қонун ижодкорларимиз? Ҳамма кўриб, ҳис қилиб турган муаммони кўрмасликни нима билан изоҳлаш мумкин?

Ҳозирда пенсия миқдорини ҳисоблашда охириги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия тайинлашни сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) ойлик иш ҳақи олинади. Хўш, бу қанчалик адолатли? Ёшга доир пенсия миқдорини белгилашда фуқаро ишлаган давридаги исталган беш йилни ўзи танлаш имконига эга бўлиши керак. Нега энди ёшга доир пен-

сияни тайинлашда унинг юқори ва ўртача даромад топган пайтини инobatта олмаслик керак?

Ахир яхши даромад топиб, узоқ ишлаган киши ёши ўтгандан кейин кам даромадли ишга ўтказилиши ёки соғлиги туфайли кам ҳақ тўланадиган жойда ишлаши мумкин-ку. Шунинг учун пенсия тайинлашда одамнинг кучи ва имкониятлари чекланган даврдан беш йилни олиш адолатсизлик, деб ҳисоблаймиз.

Юқоридагиларга кўра, пенсия тайинлашда фуқаро ишлаган даврининг охириги ўн йилдан беш йилни эмас, у ишлаган даврининг исталган беш йилни олиш адолатли ёндашув бўлади.

УЧИНЧИДАН, тизимдаги ечимини топмаётган яна бир масала — қишлоқ хўжалиги соҳасида (собиқ жамоа хўжалиги, давлат хўжалигида) ишлаб, пенсияга чиққан шахслар ўша вақтларда бошқа соҳаларда ишлаган кишилар, айтайлик, тенгдошларига нисбатан 2-3 баробар кам пенсия олаётгани билан боғлиқ.

Мисол учун, собиқ жамоа хўжалигида 1980 йилда эркаклар

учун 220 кун, аёллар учун 160 кун меҳнат минимуми ўрнатилган. Ўша йилларда қишлоқ хўжалигида меъёр(норма)ларни бажаришга талаб қаттиқлиги ҳисобга олинса, аксарият ишчи-ходимлар меҳнат минимумини бажаришган. Лекин йиллар ўтиб, улар пенсияга чиқиш пайтида собиқ жамоа хўжалигининг бу ҳақдаги қарорини тақдим эта олишмаган. Бунинг асосий сабаби — меҳнат минимуми тўғрисидаги қарорлар ўз вақтида архивга топширилмаган ёки йўқолган. Аммо бу ҳолатда меҳнат мажбуриятини бажарган, пенсия ёшига етган фуқароларимиз айбдор эмас. Улар тизимдаги камчилик туфайли йиллар давомида жабр кўрмоқда. Айни масала 4-5 йилдан буён муҳокама қилинади, бироқ ханузгача бирон натижа йўқ.

Демак, 2005 йилга қадар собиқ жамоа ва ширкат хўжаликларидан ишлаган фуқароларнинг ўша вақтда меъёр ҳисобланган меҳнат стаж тўлиқ йиллик стаж сифатида инobatта олинishi ҳақида ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш лозим.

Юқоридаги масалалар бўйича бир неча йилдан буён бонг урилади. Бироқ негадир масаланинг ечимини йилдан-йилга чўзилмоқда. Биргина ҳозирда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси Давлат дастурига киритилгачина депутатларимиз қимирлаб қолишди. Хўш, қолган масалалар ҳам дастурларга киритилса ёки Президент тўхталиб ўтса, ечим топадими? Қани бизнинг қонун ижодкорларимиз? Ҳамма кўриб, ҳис қилиб турган муаммони кўрмасликни нима билан изоҳлаш мумкин? Қонунларни ўзгартириш бўйича ваколатлар айнаан уларга тегишли эмасми? Хуллас, саволлар кўп, жавоб эса... Уйлаймизки, депутатларимиз биз қайд этган жиҳатларга эътибор қаратишади.

ҚУЛАЙЛИК

ЭНДИ КИРА ҚИЛИШ ОСОН: таксичилар ҳужжатидаги расмиятчилик камайтирилди

Давлатимиз раҳбари 2022 йил 7 июль кунги «Автотранспорт воситаларини бошқаришда ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратиш тўғрисида»ги қарорни имзолади. Ҳужжат билан автотранспорт воситаларини бошқариш ва йўналишсиз такси фаолиятини амалга оширишда қўшимча қулайликлар яратилди.



1. ИШОНЧНОМА ЯНАДА ОСОНЛАШДИ

Қарорга кўра, 2022 йил 1 сентябрдан автотранспортни бошқариш учун ишончномаларни Давлат хизматлари марказлари ва Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали (my.gov.uz) электрон расмийлаштириш йўлга қўйилади. Электрон ишончномани нотариал тасдиқлаш талаб этилмайди ва уни ИПХ ходимлари фақатгина планшет орқали электрон текширади. Электрон ишончноманинг яна бир афзаллик жиҳати, у одатдагидан анча арзон. Бугунги кунда фуқаролар ишончномани нотариал тасдиқлаганида 900 минг сўм давлат бож, 30 минг сўм герб йиғими, 75 минг сўм пуллик хизмат учун тўлов қилишига тўғри келади. Электрон ишончнома учун фақат табақалаштирилган давлат бож тўланади, герб йиғими, пуллик хизмат учун тўловлар бўлмайди. Демак, электрон ишончнома орқали

фуқароларимиз ҳам ўз вақтини, ҳам 1 йил давомида қарийб 24 млрд. сўм пулини тежаб қолади. Қарорга кўра, давлат бож ишончномани нотариал тасдиқлаш учун белгиланган давлат божига (БХМнинг 3 баравари — 900 минг сўмга) нисбатан қуйидаги фоизларда ундирилади:

- ➔ бир ойгача бўлган муддатга — 10 фоиз (90 минг сўм);
- ➔ олти ойгача бўлган муддатга — 50 фоиз (450 минг сўм);
- ➔ уч йилгача бўлган муддатга — 100 фоиз (900 минг сўм).

Бу шуни англатадики, масалан, вазият тақозоси билан қайсидир қариндошингиз ёки дўстингиз шошилинч равишда машинангизни бошқариши керак бўлиб қолди. Ҳозирда бунинг учун, албатта, нотариусларга бориб, ишончнома расмийлаштириш керак. Эндиликда шундоқ телефондан кириб, 5-10 дақиқада ишончнома расмийлаштириб, ўша заҳоти йўлга чиқиш кетиш мумкин бўлади.

2. МАЖБУРИЙ ТАЛАБ БЎЛМАЙДИ

Ҳужжат билан юридик шахслар ҳайдовчиларининг икки йилда бир марта мажбурий малакасини ошириш талаби бекор қилинади.



Ўзини ўзи банд қилган ташувчилар учун давлат бож миқдори 300 минг сўм этиб белгиланади. Ва улар даромад солиғидан озод этилади.

3. ШАРТНОМА ЭЛЕКТРОН ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

2022 йил 1 сентябрдан фуқаролар ва йўловчи ташиш лицензиясига эга юридик шахслар ўртасида транспорт ижараси шартномаси тузилса, бу шартномани нотариал тасдиқлаш талаб қилинмайди. Бунда мазкур шартномалар солиқ органларида электрон ҳисобга олинади. Бу орқали фуқаролар ўз вақтини тежаши билан бирга, 480 минг сўм миқдордаги тўловдан қўтилиди.

4. ТАКСИ ҲАЙДОВЧИЛАРИ ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР ҚАТОРИГА ҚЎШИЛАДИ

Энди таксичилик билан шуғулланаётган фуқаролар 2022 йил 1 сентябрдан 2024 йил охиригача солиқ ё департамент ходимларидан кўрқмай, қочиб юрмай, ишлашлари мумкин. Гап шундаки, юқоридаги қарор билан ҳайдовчилар 4 тадан кўп бўлмаган ўриндиқли транспортда йўловчи ташиша, бу фаолият ўзини ўзи банд қилиш, деб қаралади ва ушбу фаолият лицензия варақаси асосида амалга оширилади. Бунда лицензия варақасини беришда автомобилнинг 10 йиллик эксплуатация даврига қўйилган талаб бекор қилинади, мажбурий тиббий ва техник кўрик муддати 1 йилда 1 марта қилиб белгиланади. Ўзини ўзи банд қилган ташувчилар учун давлат бож миқдори 300 минг сўм этиб белгиланади. Ва улар даромад солиғидан озод этилади. Очиги, бизда расмий фаолият юритмайдиган таксичилар

сони кўплиги, аммо қонуний таксичилик билан шуғулланиш жуда қийин ва бюрократик жараёнларга тўла экани, бировга халақит бермай, ўз оиласини боқаяётган юртдошларимизнинг фаолиятини соддалаштириш кераклиги ҳақида доимий равишда айтиб келинади. Аввалига 60 дан зиёд касблар қаторида таксичилар ўзини-ўзи банд қилган фуқаролар сифатида даромад солиғидан озод қилиниши таъкидлангани, аммо кейинчалик тасдиқланган касблар рўйхатидан негадир таксичилик ўрин олмайди. Кейинчалик такси ҳайдовчилари учун алоҳида тартиб бўлиши ва яқин орада эълон қилиниши айтилгани, аммо шу кунгача бундай тартиб эълон қилинмади. Ниҳоят ўша кунга етиб келдик.

Санжар ИСМАТОВ
тайёрлади.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИДАН

Тотув оила — маҳалла кўрки

Оила — улуғ ва муқаддас гўша. Бу бахтли кўрғонни куриш учун, аввало, оилада соғлом муҳит бўлиши зарур. Соғлом оила эса маънавий-руҳий, жисмоний-тарбиявий томондан жамиятнинг ва маҳалланинг файзи ва кўркидир.



Шайхонтохур туманидаги «Камолон дарвоза» маҳалласида «Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш» мавзусида бўлиб ўтган тадбир оилавий ажралишлар ва жанжалларнинг олдини олиш, ёш оилаларни ҳаётга тайёрлаш, уларга оиланинг муқаддас кўрғон эканини англатиш, қариндошлик никоҳлари ва оилада учинчи шахс аралашувига йўл қўймаслик, қайнона-келин муносабатлари ҳақида бўлди. Маҳалла фаоллари, «Сузуқ ота» масжиди ноиби Раҳматилла Усмонов, худудий отиноилар ва зиёли отахонлар иштирок этган тадбирда йиғин раиси Омонжон Тоҳиров,

хотин-қизлар фаоли Муяссар Патхуллаева жорий йилнинг 6 ойи мобайнида олиб борилган амалий ишлар, ўтказилган тадбирлар ва эришилган ютуқлар ҳақида гапириб берди. Жумладан, шу вақт давомида худудда бирорта ажралиш ёки ёшлар ўртасида жиноят ва безорилик ҳолатлари кузатилгани йўқ. Тадбирда маҳалланинг зиёли нуронийлари Шокир Ҳожи Сулаймонов, Зокир Ҳалилов, отиноилар — Зироат Бекжонова, Муқаддас Зоитова, Санобар Негманова оила тотувлиги, ёшларни касб-хунарга жалб қилиш, одоб-ахлоқ, қиз болага

онанинг, йигитга отанинг тарбияси, фарзандларни ёш уйлантирмаслик ва турмушга узатмаслик, аввал уларга ҳаётий билим бериш кераклиги ҳақида гапирдилар. «Сузуқ ота» масжиди имом-ноиби Р.Усмоновнинг ёш оилаларда эрнинг арзимаган жанжаллар туфайли талоқ айтиши, унинг маъно-моҳиятини англамаслик, бу сўзнинг айтилиши, ҳатто Аршни титратиб юбориши ҳадисларда келтирилгани ҳақида тушунтириб берди. Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Марям АҲМЕДОВА,
журналист.



Эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи КОНСТИТУЦИЯДА Кафолатланиши керак



Ўзбекистонда Конституциявий қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси 15 июлгача узайтирилди. Қонун лойиҳасида Бош қомусимизнинг 28-моддасини қуйидаги таҳрирда белгилаш назарда тутилмоқда: «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний асосларда бўлиб турган ҳар бир шахс республика ҳудуди бўлиб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно».

Бу ҳақда Президент Шавкат Мирзиёев 20 июнда Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашув жараёнида шахнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини Конституцияда кенгроқ акс эттириш масаласида фикр билдирганди.

«Биласизларми, мени кўп йиллардан буён қийнаб келган яна бир масала бор эди, у ҳам бўлса, «прописка», деган муаммо. Одамларимизни, уларнинг ҳуқуқларини камситадиган бундай ҳолатни бартараф этиш учун биз йўллардаги назорат постларини, «прописка», деган нарсани йўқ қилдик. Келгусида бундай тўсиқларни тизимли ҳал этиш учун ҳар бир Ўзбекистон фуқароси мамлакат бўлиб эркин ҳаракатланиш, турар ёки яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқига эга бўлиши шарт. Ҳар бир фуқарога мамлакатдан тўсиқларсиз чиқиш ва қайтиш ҳуқуқи кафолатланиши лозим», — деган эди давлатимиз раҳбари.

Чиндан ҳам, эркин ҳаракатланиш — инсоннинг ажралмас ҳуқуқидир. Халқаро

ҳужжатларда шахнинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи инсоннинг олий неъматлари қаторига киритилган. Шу боис мазкур ҳуқуқ ва эркинликлар дунёнинг демократик ривожланган давлатларининг конституцияларида кафолатланган.

Мамлакатимиз тарихида шахнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини чекловчи қонун нормалари ва ҳуқуқий институтлар бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Паспорт назорати, «прописка» режими, мамлакатдан чиқиш ва унга кириш учун қатор инстанциялардан текширувлардан ўтиш ва рухсат олиш каби инсоннинг ҳаракатланишини чекловчи қатор қоидалар шулар жумласидан. Масалан, собиқ иттифоқнинг 1924, 1936, 1977 йиллардаги Конституцияларида мазкур ҳуқуқнинг ўзи бўлмаган, фуқаро яшаш жойи бўйича «прописка»га ўтказилган. Демак, фуқарони унинг яшаш ва меҳнат қилиш жойи билан мустаҳкам боғловчи омил бўлиб келган. Мустақил Ўзбекистоннинг 30

йил олдин қабул қилинган Конституциясида илк бор «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиш кетиш ҳуқуқи» белгиланди. Шу билан бирга, «қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир», деган қоида мамлакатимиз фуқаролари учун айрим қонун ва қонуности ҳужжатлар орқали «эркин ҳаракатланиш»ини чеклаб қўйди. Бу нимада намоён бўлди?

Биргина 2018 йилларгача мавжуд бўлган «прописка» тизимини олинг. Масалан, меҳнат қилиш ҳуқуқи ушбу тизим билан боғлаб қўйилди. Хусусан, олдин Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда мавжуд бўлган вақтинча ёки доимий «прописка»сиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаб турган фуқароларни ишга қабул қилганлик учун жавобгарликка тортиш шулар жумласидан. Банк хизматларидан фойдаланиш, хусусан, қарз, ипотека, валюта

айирбошлаш каби хизматлар шахнинг «прописка»сига қараб бериларди.

«Прописка» тизими деганда, кўпчилигимизнинг кўз олдимизда иш топа олмаган ва чет элга кетган минглаб малакали кадрлар, ўз уйини бошқанинг номига расмийлаштирган фуқаролар, қонунни четлаб ўтиш билан боғлиқ коррупция ҳолатлари гавдаланади.

Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилган ислохотлар кириб бормаган соҳа қолмади. Шулар қаторида паспорт ва «прописка» тизими ҳам тубдан такомиллаштирилди. Айниқса, ушбу соҳага ахборот технологияларининг чуқур кириб бориши, давлат хизматларини электрон майдон орқали амалга ошириш имкониятлари кўпайтирилгани аҳолига жуда кенг қўлайликлар яратди. Шунингдек, меҳнат қилиш, молия ва банк хизматлари, уй-жойини сотиб олиш учун «прописка» билан боғлаб берувчи қоидаларнинг чиқариб ташланиши жаҳонда умумэтироф этилган «эркин ҳаракатланиш» ҳуқуқини

рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Шахнинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқларининг кафолати деярли барча давлатларда у ёки бу шаклда акс эттирилган. Назаримизда, бугунги кунда конституциявий ислохотларнинг замирида «Инсон кадрини улуғлаш» тамойили турар экан, Бош қонунимизнинг «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб номланувчи бобини Ўзбекистон Республикаси фуқароси мамлакат бўлиб эркин ҳаракатланиши, яшаш жойини эркин танлаш ҳуқуқи, шунингдек, ҳар бир фуқарога қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мамлакат ҳудудидан тўсиқларсиз чиқиш ва унга қайтиб келиш ҳуқуқини белгилаш вақти етиб келди. Ушбу қоидадан Конституцияга киритилиши ҳар бир шахнинг табиий ҳуқуқларининг рўёбга чиқишининг ҳуқуқий пойдевори бўлиб, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият олдида ижобий имижининг шаклланишига хизмат қилади.

Муродилла ПЎЛАТОВ.

«Имкониётдан фойдаланмаслик — танбалликдир»

Маҳалламиз ҳудуди катта — 150 гектар атрофида, бу ерда 7 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Йиғинимиз Балиқчи ва Бекобод қишлоғидан ташкил топган. «Драйвер»имиз — шоличилик, ҳар бир хонадон — шоликор. Уқитувчию, ҳуқуқшунос, шифокор, боғча тарбиячиси, давлат хизматчиси, ҳатто ўзим ҳам шоли экман.

Ишчи ишлатамиз, бўш вақтимизда ўзимиз ишлаймиз. Аҳоли 1 гектардан кам экин эккан одамни дангасалиқда айблайдим. Чўл ерлари кўп. Сув мўл. Бундан унумли фойдаланмаслик, шубҳасиз, танбалликдир. Асосан «лазер» ва «аланга» навлари етиштирилади. Тадбиркорларимиз шолини гуручга айлантирадиган 17 та замонавий «обжувоз» ташкил қилишган. Техникалари Хитойдан келтирилган. Ҳар бири йилига 100 тоннагача шолини қайта ишлайди. Илгари электр энергияси танқислиги пайтида бу

кичик корхоналар жуда қийналар эди. Шукрки, 3-4 йилдан буён электрдан муаммо йўқ. Шу билан бирга, балиқчилик ривожланган. 40 дан ортиқ сунъий кўлларда юзлаб тонна сазан, дўнгпешона каби балиқлар парваришланади. Яна одамлар завурларга тўғонлар ўрнатиб балиқ боқади. Сазанлар кўплигидан шолিপоялар ичига кириб кетади. Ем муаммо эмас. Балиқларни «обжувоз»ларимиздан чиқадиган гуруч кепаги ёки оқшоқ билан боқамиз. Шоли сомони кўплиги боис чорвачилик ривожланган.

Яқинда ўтказилган сўровимиз натижасида маҳалламизда бирорта сигирсиз хонадон йўқлиги маълум бўлди. Хуллас, одамларимизнинг турмуши фаровон. Сайловда аҳоли менга ишонч билдирганидан жуда миннатдорман. Аҳоли турмуш даражасини янада орттириш йўлида ишлашда давом этаман. Ишни маҳалла идораси биноси қуришдан бошлаймиз. Ҳозирда ходимларимиз масжид хоналарида фаолият олиб боришяпти. Бу ҳолат тўғри эмас. Худудимиз марказидан жой топдик. Бир неча

тадбиркорларга кўрсатдик ҳам. Тез орада ҳуқуқий тарафларини келишиб олиб, қурилишни бошлаймиз. Иккинчи масала — маҳалламизга яна битта боғча керак. Ҳозирда мавжуд муассаса аҳоли эҳтиёжини қамраб ололмапти. Мазкур муаммо бўйича туман, вилоят ҳокимлиги, Мактабгача таълим вазирлигига хат тайёрланяпти. Ўйлайманки, илтимосимиз ижобий ҳал этилади.

Матлуба ҚЎШОҚОВА,
Бувайда туманидаги
«Бекобод» маҳалла фуқаролар
йиғини раиси.

МАҲАЛЛА ҲАЁТИ

МАНЗАРА

«Бир оила узумдан 15 тоннагача ҳосил олади»



Бу йилги сайловларда аҳоли менга ишонч билдиришди. Энди бунга муносиб бўлишга ва маҳалла ходимлари билан одамларни қийнаётган масалаларга ечим топишга ҳаракат қиламиз.

Маҳалламизда аҳолини уйдан чикмаган ҳолда даромад топишга йўналтириш, яъни томорқачилик, чорвачилик, чеварчилик каби йўналишларда бандлигини таъминлаш борасида ўзига хос тажриба мактаби яратилган, десам муболаға бўлмайди. Бунда ҳудуднинг ўзига хос шарт-шароити ва имкониятлари ҳисобга олинган.

Йиғинимизда, асосан, узумчилик ҳадисини олган соҳибкорлар истиқомат қилади. Уларнинг ҳовлисида етиштирилган узумларга, ҳатто қўшни мамлакатлардан харидорлар бор. Бир хонадонда 500 килограммдан 15 тоннагача ҳосил олинади. Ҳар бир оила узум етиштиришдан йилига ўртача 15-20 миллион сўм даромад топади. Кимлар учундир бу қўшимча даромад манбаи ҳисобланса, айримларнинг асосий фаолият турига айланган.

Биз шу билангина чекланиб қолмадик. Мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда, аҳоли даромадини янада оширишга киришдик. Бунинг учун кўчаларга сўритоклар, яъни ишқом барпо этдик. Бу яна қўшимча маблағ топиш имконини бермоқда. Қолаверса, кўча бўйларидеги ишқомлар ён-атрофга кўрк бағишлаб турибди.

Бундан ташқари, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга эътибор қаратганмиз. Бу йўлда уларга субсидия асосида тикув машиналари олиб берилляпти. Аёлларимиз уйда ўтирган ҳолда даромад топишга имкон яратилляпти. Бунинг учун тумандаги корхоналар билан шартнома тузиб, уларга буюртмалар олиб беряпмиз. Кўрсаткичлар яхши, ҳар икки томон бундан манфаатдор бўлмоқда.

Ҳайитхон ҲАМИДОВА,
Булоқбоши туманидаги «Учкўча»
маҳалла фуқаролар йиғини.

Овулимиздаги 19-умумтаълим мактаби биносида бўлиб ўтган сайловда овул фуқаролари номидан жами 252 нафар вакил иштирок этди. Овозларни санаш натижалари бўйича санок комиссияси томонидан менга 127 нафар вакил овоз бергани маълум қилинди ва қайта раис этиб сайландим. Албатта, овул аҳли томонидан билдирилган юксак ишонч зиммамга катта масъулият юклайди. Бу ишончга келгусида амалий ишларимиз билан жавоб берамиз.

«Овулимизда темир йўл ва вокзал қурилмоқда...»

Маҳалламиз Хоразм вилояти билан чегара ҳудудда жойлашган. Орамизда Амударё бор, холос. Бироқ йиллар давомида дарёнинг нариги қирғоғига ўтиш учун ҳам 50-100 километрлаб йўл босишга тўғри келарди. Чунки икки ҳудудни боғлайдиган кўприк қурилмаган эди. Шурки, ўтган йили Амударё устига кўприк қуриш ва темирйўл ўтказиш ишлари бошлаб юборилди. Бу ишлар айнан бизнинг овулимиз ҳудудида амалга оширилмоқда. Қолаверса, шу ернинг ўзида вокзал қурилиши давом этяпти. Насиб этса, бу ишлар якунлангач, овулимиздаги юзлаб аҳоли бандлиги таъминланади, инфратузилмамиз янада яхшиланади.

Очиғи, йиғин доирасида қатор ишларни бошлаб қўйган эдик, энди келгуси уч йил давомида уларни рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бунинг учун эса тинмай изланиш керак, деб ҳисоблайман. Насиб этса, маслаҳатчилар ва фаоллар кўмагида ҳудуддаги оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширамиз.

Овулимиз аҳолиси китобхонликни яхши кўради. Шу мақсадда бу ерда Халқ кутубхонасини ташкил этганмиз. Мўъжаз масканимизда мингга

яқин ўзбек ва жаҳон адабиёти намуналари бор. Кутубхона ҳудудимиздаги 14- ва 19-умумтаълим мактаблари ўқувчилари, нурунийлар, оддий одамлар билан доимо гавжум. Режамизга кўра, унинг китоб фондиди кенгайтириш, электрон база яратиш ва Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона билан интеграция қилиш ниятидамиз.

Шу билан бирга, дастуримизга асосан, овулда тадбиркорликни йўлга қўймоқчи бўлганларга имтиёзли кредитлар, хотин-қизларга субсидиялар олиб бериш, касаначилик орқали 100 нафарга яқин аёлнинг бандлигини таъминлаш, йўллари-мизни асфальтлаш, ҳудудда маданият марказини ташкил этиш режалаштирилган.

Умуман олганда, овулдошлари бу гал ҳам менга ишонч билдирганидан бошим кўкка етди. Айни чоғда бу зиммамдаги масъулиятни янада оширади. Фаолиятим давомида ҳудуддаги оилаларни, айниқса, ёш оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш каби муҳим вазифаларни амалга оширамиз.

Тамара КАРИМОВА,
Амударё туманидаги Куюк кўприк
овул фуқаролар йиғини раиси.

«Йиғинимизда яхши янгиликлар кўп...»



Маҳалламиз Қорақўл тумани марказидан 20 километр узоқликда жойлашган. Ҳозирда бу ерда 2,5 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Жорий йилда бўлиб ўтган сайловларда йиғин аҳли менга яна бир бор ишонч билдиришди. Бунинг меҳнатимиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз. Дастурим маҳалламиздаги бугунги ўзгаришларга ҳамоҳанг тузилган.

Ижтимоий муҳофазага муҳтож 234 та хонадонга 10 сотихдан 25 сотихгача экин ери ажратилгани улар рўзғорига даромад киради деганидир. Масъул секторлар кўмагида 70 та хонадонга 1 сотихдан иссиқхона, «Темир дафтар»га киритилган 3 та ночор ва оғир турмуш шароитида яшаётган оилага уй қуриб берилди.

Шу йилнинг ўзида «Ёшлар дафтари»га киритилган йиғит-қизлардан 25 нафарига мурожаати, истагига биноан тикув машинаси, пайвандлаш аппарати, экин ерида ишлашга мўлжалланган мотокультиватор ва бошқа минитехнологиялар олиб берилгани бу оилалар бандлигини таъминлади. Эндиликда улар кунлик буюртма асосида ишлаб, ал-

батта, даромадини оширяпти.

Маҳалламизда 51-сонли умумтаълим мактабида талаб даражасидаги 120 ўринли ўқув биноси ва спорт залини барпо этиш учун 2 миллиард 700 миллион сўм маблағ ажратилган. Ҳозирда қурилиш-бунёдкорлик ишлари авжида. Шу кеча-кундузда 1 миллиард 900 миллион сўм маблағ эвазига қишлоқ врачлик пункти қилиниб, замонавий қиёфа касб этмоқда. Албатта, тиббиёт муассасаси яқин кунларда фойдаланишга топширилса, ҳудудда яшаётган 2 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатилади.

Бундан ташқари, 120 ўринли замонавий болалар боғчаси қурилиши бошлаб юборил-

ган. Қиймати 2 миллиард 160 миллион сўмга молиялаштирилган мазкур муассаса ишга туширилиши билан 90 нафар болажонни ўз бағрига олади. Йил якунига қадар шу маҳаллада яна бир замонавий мактабгача таълим ташкилотини қуриб фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Хуллас, маҳалламизда яхши янгиликлар кўп. Эндиги мақсадимиз — етарли шароитлар яратилгач, улардан унумли фойдаланиш ва маҳалламиз ривожига ҳисса қўшишдан иборат. Зеро, одамлар бугундан рози бўлиб яшашлари керак.

Ўлмас ХУДОЙНАЗАРОВ,
Қорақўл туманидаги
«Мироб» маҳалла
фуқаролар йиғини раиси.

МАНЗАРА



Маҳалламиз бугун барча шароитларга эга обод масканга айланган. Худудда 920 та оила бўлиб, 3 115 нафар аҳоли яшайди. 14 та кўчамизнинг 3 тасида 2021 йил ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Маҳаллага киришда рамзий дарвоза қурилди. 2022 йил июль ойидан бошлаб эса Райхон, Пахтакор, Обжувоз, Илғор кўчаларимизда бетон қопламали йўл қурилиши бошланади.

«Маҳалладошларим оила аъзоларим каби қадрдон»

Икки йиллик натижаларга кўра, жиноятчиликка барҳам берилди, оилавий ажралишлар кузатилмади. Мурожаатлар, аввало, маҳалла кенгаши аъзолари билан ҳал этилмоқда. Шу аснода бугун табиий газ, ичимлик сув, электр энергияси билан боғлиқ муаммолар бартараф этилган. Бунинг натижасида одамлар фикри, дунёқараши ўзгарди, уларда эртанги кунга ишонч уйғонди.

Кам таъминланган, эҳтиёжманд қатламни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ишсизликни тугатиш мақсадида кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият бериб келяпмиз. Уйда ўзини ўзи банд қилган 50 нафар хотин-қиз тикувчилик

билан шуғулланмоқда. Шунингдек, битирувчилар рўйхатини тузиб, мустақил иш бошламоқчи бўлганларга имтиёзли кредит олишига кўмаклашяпмиз.

Шу билан бирга, катта йўл бўйида ўнлаб энгил конструкцияли савдо дўконлари фаолияти натижасида 50 нафар фуқаро бандлиги таъминланган. Маҳалламиздаги 30 хонадонда иссиқхона бўлиб, йил давомида турли маҳсулотлар етиштирилади. Маҳсулотлар, аввало, оила дастурхони тўқинлигини таъминласа, ортгани бозорга чиқарилмоқда. Айни кунларда маҳалламизда тадбиркор Носиржон Нўймонов томонидан замонавий савдо комплекси қуриляпти. Насиб этса, Мустақиллик байрамига ишга тушади.

Ўзим тизимда 2006 йилдан бери ишлаганим учун маҳалла иккинчи уйимга айланиб қолган. Маҳалладошларим худди оила аъзоларим каби қадрдон. Шу боисми, май ойида ўтган маҳалла раиси сайловида яна менинг номзодимни қўллаб-қувватлашди. 167 нафар вакилларнинг 87,2 фоизи менга овоз берди.

Бу эса зиммамга янада масъулият юклади. Насиб этса, бошлаган ишларимизни давом эттириб, одамлар розилиги учун ҳаракат қиламиз.

Ибодилла ОТАБОЕВ,
Уйчи туманидаги «Соку» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

«Боқимандалик билан яшаш ярашмайди»

Маҳалламиз худуди катта, шунга кўра, унинг муаммолари салмоқли. Маҳалла раиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли билан биргаликда барча масалаларнинг ечимини топишга ва ҳамжихатликда ҳал этишга ҳаракат қиляпмиз.



Йиғинимизнинг ўсиш нуқтаси чорвачилик ва янги «драйвери» гулчилик ҳисобланади. Маҳалладаги «Гулчи опа томорқа хизматлари кластери» МЧЖда 120 сотихлик кўчатхона, 600 бош парранда, 2 дона инкубатор, 20 бош Австриядан олиб келинган, сут олишга мўлжалланган зотдор эчки, 60 бош зотдор момиқ қўён, жами 22 гектар турли дарахт, гул кўчатлари, экинлар ва майса парваришланмоқда. Ҳозир бу ерда 114 та доимий, 300 га яқин масумий иш ўрни яратилган. Бугунги кунда маҳалладагиларнинг 900 нафари чорвачилик билан

шуғулланаётган бўлса, 120 хонадондаги иссиқхоналарда турли гул, помидор, бодринг, кўкатлар етиштирилади. 150 хонадон эгалари паррандачилик билан шуғулланмоқда. Бунинг ортидан даромад топаётган, рўзгорига барака кираётган маҳалладошларимиз кўп. Айни йўналишдаги ишлар жадал давом эттирилади. Ҳар бир хонадонда иссиқхона қуриш ниятимиз бор. Кўшимча даромад сифатида оилаларга 100 тадан парранда тарқатмоқчимиз. Бу орқали битта оила йилига 20-25 миллион сўм кўшимча даромад топиши мумкин. Қолаверса, хотин-қизларга имтиёзли кредитлар

олиб бериш, номли дафтардагиларга субсидиялар ажратиш орқали бандликни таъминлаш режамизда бор. Хуллас, бугун барча имкониятлар яратилган, ундан самарали фойдалана олиш эса ўзимизга боғлиқ. Боқимандалик, «берсанг-ейман» деган қараш билан яшаш бугун ярашмайди. Шу боис маҳалла аҳли билан ҳамжихатликда барча режаларимизни амалга ошираемиз.

Шарофат НОРИЕВА,
Шароф Рашидов туманидаги «Олмачи» маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси.

«Йиғинимизда тадбиркорликни ривожлантираемиз»

Маҳалламизда 3 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Одамларимизнинг асосий машғулотини — боғдорчилик. Бутун худудимиз дарахтлар билан қопланган. Бизда ўрик кўп. Туршак тайёрлашдан одамларимиз катта даромад кўради. Маҳсулотимиз нафақат ўзимизнинг бозорлар, балки Россия, Европа, Корея ва Япония давлатларига ҳам экспорт қилинади.

Бу йил баҳор ўрикники бўлмади. Дарахтлар гуллаган пайтдаги ёғингарчилик ҳосилнинг катта қисмини нобуд қилди. Шунга қарамай, воҳа тарафлар — Қашқадарё, Сурхондарё, Бухорода яхши сақланган боғлар кўп экан. Тадбиркорларимиз ўша томонлардан юк машиналарида ўрик олиб келишяпти, хонадонларга тарқатилиб, баргак қилиняпти. Бир кило ўрикни данагидан ажратиб, қуриштишга тайёрлашга 3 минг сўмгача ҳақ тўланади. Хонадонларда хотин-қизлар ҳозирда шу юмуш билан банд. Кунига ўртача 100 минг сўмгача кўшимча даромад қилишяпти.

Сайловда ютиб чиққан зиммамга катта масъулият юклашини тушуниб турибман. Вазифаларим талайгина. Биринчи ўринда маҳалла биносини қайта қураемиз. Ҳозирда ўтирган жойимиз 1990-йиллар бошида, ҳашар йўли билан пахсадан қўтарилган. Замонавий талабларга жавоб бермайди. Ўрнида икки қаватли қўллаб-қувватлаш хизмат кўрсатиш шохобчаларини ўз ичига олган бино қад ростлаши лозим. Асфальтлаш масаласини охирига етказиш керак. Ўтган йили «Очиқ бюджет» лойиҳасида юта олмадик. Назаримда, аҳолига тушунтириш ишлари етарлича бўлмаган. Бу гал одамларнинг фаоллигини оширишимиз лозим. Бундан ташқари, худудимизга кичик стадионлар керак. Ҳозирда ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун имконият йўқ. Мазкур масала тез орада ҳал этилади.

Асосийси, аҳолимизни юртимизда олиб борилаётган ислохотлардан рози қилишимиз лозим. Ўзгаришлар самараси фуқароларнинг даромадлари, турмуш даражасининг ошиб боришида намоён бўлсин. Бунинг учун тадбиркорликни ривожлантираемиз. Маҳалламиз катта йўл ёқасида жойлашган. Аммо йўл бўйи инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш етарлича ривожланмади. Биз худудда энгил ва юк машиналарига хизмат кўрсатадиган карчерлар, устахоналар, ошхоналар, ҳаммом барпо этамиз. Бунинг учун одамларимиз кредитлар, ҳуқуқий кўмак билан таъминланади.

Яна бир ташаббусимиз — йўл бўйидаги хонадонларда қадоқ қутилари яшаш устахоналарини ташкиллаштириш. Биз боғдорчиликка асосланган маҳалла бўлсак-да, қадоқ қутилари бошқа жойлардан сотиб оламиз. Ваҳоланки, буни ўз одамларимиз ясаса бўлади. Фақат тушунтириш ва кўмак кўрсатиш лозим.

Баҳодир РАҲМОНОВ,
Фарғона туманидаги «Пастки арча» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

РАҒБАТ

СОБИҚ МАҲКУМЛАРГА ДАВЛАТ МАДАД БЕРАДИ

Энди уларга тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик лойиҳалари учун бир марта 9 млн. 200 минг сўмлик ёрдам пули берилади

Ҳаёт пасту баландликлардан иборат. Унда кимдир тўғри йўлни танлаб, ҳалол меҳнати ортидан саодатли умр кечирса, яна кимдир билиб-билмай хато қилади, жиноят қўчасига кириб, қонун олдида жавоб беради. Аммо жиноят содир этган шахс хатосини англаб етса, тузалиш йўлига ўтса, ҳалол касб билан рўзғор тебратишни мақсад қилса, унга амалий кўмак кўрсатиш, ижтимоий мослашувини таъминлаш ҳар бир масъул идоранинг олдидаги муҳим вазифалардан биридир.

Шу мақсадда, мана, бир неча йилдирки, давлатимиз томонидан жазони ижро этиш муассасаларидаги билиб-билмай жиноятга қўл урган, ўз айбига чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган маҳбуслар афв этилмоқда. Озодликка чиқиб, оиласи бағрига қайтишнинг ўзи катта бахт, аммо ҳаёт давом этади. Кейинги масала — уларнинг жамиятга мослашиб кетиши, ишлаб, пул топиши, ўқиши, демократик жамиятнинг эркин фуқароларидек умргузаронлик қилишидир.

Албатта, шунча йилдан сўнг озодликка чиққач, тезда жамоатчиликка сингишиб кетиш осон кечмайди. Бундай инсонларга ҳар томонлама мадад зарур бўлади. Агар уларга етарлича эътибор берилмаса, яна йўлдан адашишлари ҳеч гап эмас. Шу боис бу йўлда қўшни, маҳалла фаоллари уларнинг энг биринчи тиргаки бўлиши лозим. Йиғин фаоллари доимий равишда уларнинг ҳолидан хабар олиб туриши, мавжуд муаммо-камчиликларини бартараф этиб, бандлигини таъминлаш билан шуғулланиши зарур. **Қолаверса, юқоридаги мақсадларни амалга ошириш учун** 2018 йилда Озодликдан маҳрум этиш жойларидан озод қилинган шахсларни реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш марказлари ташкил этилди. Бундай шахсларга тегишли тартибда кийим-кечак, озиқ-овқат ва тураржой учун бир марталик тўланадиган нафақа пули берилади. Маҳкумларга шахсий ҳужжатларни тиклаш ва паспорт олишда ёрдам кўрсатилади, уларнинг пенсия сўғуртаси, меҳнат дафтарчасини расмийлаштириш шахс

жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинганга қадар амалга оширилади.

ЁРДАМ ПУЛИНИНГ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Қуни кеча айни йўналишда яна бир муҳим ҳужжат қабул қилинди. Давлатимиз раҳбари 2022 йил 29 июнь санасида «Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган



фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорга имзо чекди. Ҳужжат билан **Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш бўйича «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»ни бериш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди.** Низомга кўра, пул маблағлари маҳкумлар озодликка чиққач, уларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш мақсадида «дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети»

доирасида ажратилади. Бунда тадбиркорлик, меъморчилик, хунармандчилик каби йўналишлардаги лойиҳаларини амалга ошириш учун бир марта **меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10 баравари — 9 млн. 200 минг сўм** миқдоридан берилади. Ёрдам пуллари идоралараро доимий комиссияларнинг қарорлари асосида «Ижтимоий

“
Кўмак олувчилар жазони ўтаб бўлганидан кейин 3 ой муддатда ишчи органга ўз лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза бериши мумкин.

ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали берилади. Мазкур комиссияларга туман (шаҳар) ҳокимлари раҳбарлик қилади. Ички ишлар органлари пробация хизмати идоралараро комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

ҚАНДАЙ МЕЗОНЛАР БЕЛГИЛАНГАН?

Кўмак олувчилар жазони ўтаб бўлганидан кейин **3 ой муддатда** ишчи органга ўз лойиҳасини илова қилган ҳолда ариза бериши мумкин. Қолаверса, лойиҳа билан биргаликда ёрдам пулини олиш йўналиши, қайси

мақсадларда сарфланиши ҳамда лойиҳа натижаси бўйича қўтилаётган тахминий даромад ҳақида маълумот тақдим этилади.

Ишчи орган **уч иш қуни** мобайнида аризани идоралараро комиссияга киритади. Ўз навбатида, идоралараро комиссия томонидан **ўн иш қуни** мобайнида ариза ўрганиб чиқилади, кўмак олувчилар тақдим этган лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги юзасидан хулоса тайёрланади ҳамда ариза тасдиқланади.

Лойиҳани молиялаштириш мақсадга мувофиқлиги юзасидан хулосани тайёрлаш қўйидаги мезонларга асосланади:

- ☑ бошламоқчи бўлган тадбиркорлик, меъморчилик ёки хунармандчилик фаолиятининг натижадорлиги ва даромадли экани;
 - ☑ маҳалла фуқаролар йиғинининг ижобий тавсияси;
 - ☑ кам таъминланган ёки ёлғизлиги;
 - ☑ қарамоғида ногиронлиги бўлган ёки вояга етмаган фарзанди борлиги;
 - ☑ кўп (4 ва ундан ортиқ) фарзанди борлиги ва моддий кўмакка муҳтожлиги;
 - ☑ нотурар жойларда истиқомат қилаётгани.
- Идоралараро комиссия кўмак олувчиларнинг лойиҳасини ушбу мезонларга қатъий риоя этган ҳолда ҳолисона баҳолайди.

Атрофдагиларнинг ишончи, қўллаб-қувватлаши инсонга куч беради, шижоат бағишлайди. Шу маънода юқоридаги каби ижтимоий ёрдам тамойиллари собиқ маҳкумларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашади, уларга бошқалардек жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси эканини англайди. Давлат бераётган ишончга муносиб бўлишга, ҳалол меҳнати, фидойилиги билан буни оқлашга шароит яратади.

ҲАР ЧОРАҚДА МОНИТОРИНГ ҚИЛИНАДИ

Лойиҳани молиялаштириш юзасидан киритилган хулоса Идоралараро комиссия раиси томонидан тасдиқлангандан сўнг ишчи орган бир иш қуни мобайнида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига тегишли маълумотларни киритади ва хулосани туман (шаҳар) ҳокимликларининг молия бўлимларига юборади. «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизимига тегишли маълумотлар киритилгандан сўнг уч иш қуни мобайнида мазкур тизим орқали кўмак олувчиларнинг мобил телефон рақамига ёки электрон почта манзилига ёрдам пули ажратилгани тўғрисида хабар юборилади. Ёрдам пулини бериш бўйича электрон тўлов қайдномалари тизимда автоматик равишда шакллантирилади ва АТ «Халқ банки» туман (шаҳар) бўлимига (филиалига) жўнатилади. Ишчи орган ёрдам пули берилган вақтдан бошлаб **бир йил давомида** кўмак олувчилар лойиҳасининг амалга оширилиш сарфланишини) **ҳар чорақда бир марта** мониторинг қилади, мониторинг натижаси бўйича маълумотнома тайёрлайди ҳамда уни идоралараро комиссияга киритади.

ТАЪЛИМ



Айни кунлар ўқиб, билим оламан, олий маълумотга эга бўламан, деган абитуриентлар учун муҳим давр. Улар узоқ йиллик меҳнатлари самарасини кўриш учун охирига тайёргарлик босқичини бошдан ўтказишяпти.

АБИТУРИЕНТЛАР НЕГА САРСОН БЎЛМОҚДА?

2022-2023 ўқув йили учун ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш 20 июндан 20 июлга қадар (20 июль куни ҳам), чет тили фанидан касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича эса 10 июлга қадар (10 июль куни ҳам) бўлган муддатда Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда Давлат тест марказининг расмий веб-сайти орқали амалга оширилмоқда. Сезганингиздек, қабул муддати яқунланаётган бўлса-да, кўплаб абитуриентлар ўзларига боғлиқ бўлмаган муаммолар ва тушунмовчилик сабабли ҳужжатларини топшира олишмаяпти.

БУ ЙИЛ МАКТАБНИ БИТИРГАНЛАР ТЎЛОВ ҚИЛАДИМИ?

Таҳририятимизга мурожаат қилган кўплаб абитуриентларнинг айтишича, улар жорий йил мактабни тамомлаган бўлса-да, негадир ҳужжат тўлдириб жараёнда тўлов талаб қилинмоқда. Ваҳоланки, биринчи йил олий ўқув юртига ҳужжат топширадиган номзодлар тўловдан озод қилинган. Энг катта муаммо — бу йил битирган абитуриентлар ДТМ сайтыда тугатган йили сифатида 2022 йилни танлай олмаяпти.

Бу масалага оидинлик киритиш мақсадида Давлат тест марказига мурожаат қилдик. **Марказ матбуот хизмати мутахассиси Жамшидбек Одилоннинг** маълум қилишича, «my.dtm.uz» сайтыда онлайн рўйхатдан ўтишда жорий йил битирувчиларининг тугатган таълим муассасаси тўғрисидаги маълумотлар улар тахсил олган мактаб қайси вазирлик тасарруфида бўлса, мазкур вазирликнинг базасидан реал вақт режимида олинади. Лекин айрим таълим муассасалари томонидан ўз битирувчилари тўғрисидаги маълумотлар тегишли базага тўлиқ киритилмагани сабабли абитуриентлар онлайн рўйхатдан ўтган вақтда улар тугатган таълим муассасаси маълумотлари чиқмаяпти. Шундай ҳолатда абитуриентлар ўзлари тахсил олган таълим муассасаси (мактаб, лицей, касб-ҳунар мактаби)га мурожаат қилиш лозим.

Тегишли маълумотлар киритилгач, абитуриентлар «Тугатган таълим муассасаси» бўлимидан



Абитуриентлар ҳужжат тўлдирётганда мақсадли ёки мақсадсиз қабулдан бирини танлаши мумкин бўлади. Мана шу жиҳатга жиддий эътибор бериши лозим. Мақсадли қабулни танлаган абитуриент мазкур таълим йўналиши бўйича мақсадли (абитуриентнинг доимий яшаш ҳудуди учун мақсадли қабул параметрлари ажратилган бўлса), ҳам умумий танловда иштирок этади. Мақсадли қабулни танламаган абитуриент эса мазкур таълим йўналиши бўйича умумий танловда иштирок этади, холос.

«Янгилаш» ёки «Юқлаб олиш» тугмасини босиб орқали маълумотларни янгилаб олишлари мумкин. Жавобдан айрим ташкилотлар масъулиятсизлик қилаётгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Табиий савол туғилади. Битирувчиларининг маълумотларини киритмаган таълим муассасалари қайсилар? Ўрганишларда маълум бўлишича, муаммога сабаб бўлаётган таълим муассасалари, асосан, мактаблар экан.


Демак, Халқ таълими вазирлиги масалага ечим топиши керак бўлади. Хўш, вазирлик бу муаммодан хабардорми? Унинг ечими бўйича қандай чора кўриляпти? Чунки жорий йилда мактабни битирган минглаб ёшлар ҳужжат топшира олмаяпти, нажот излаб ҳар ерга зир югурияпти. Кўплари, ҳатто 2021 йилни танлаб, тестга кириш учун тўловни амалга оширганга гувох бўлдик. Аслида улар биринчи йилда тўлов қилмаслиги керак.

БУ ЙИЛ ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БОР?

Шунингдек, кўплаб абитуриентлар бу йилги қабул тартибидagi ўзгаришлар ҳақида маълумот сўрашган. Шунини инобатга олиб, 2022-2023 йил қабул тартиблари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Жорий йилда абитуриентларга тест синови топшириладиган

МАҚСАДЛИ ҚАБУЛ



фанлар мажмуаси ва кетма-кетлиги бир хил бўлган бештагача бакалаврият таълим йўналишларини ҳамда бир вақтнинг ўзида барча таълим шаклларини танлаш ҳуқуқи берилади. Рўйхатдан ўтиш жараёнида танланган бакалаврият таълим йўналишлари устуворлигига қараб, дастлаб давлат гранти, кейинчалик тўлов-контракт асосида танловда иштирок этиш имконияти яратилган.

Олдинги йилги қабулда мутахассислик блокадаги 2 та фанга тенг – 3,1 баллдан берилган эди. Бу йил эса шу 2 та фан муҳимлигига қараб даражаланади. Масалан, математика йўналиши учун 1-фан математика (ҳар тўғри жавобга 3,1 баллдан), 2-фан эса физика (ҳар тўғри жавобга 2,1 баллдан) бўлади.

Мутахассислик фанларининг даражаланиши абитуриентларнинг 5 та йўналиш танлаш имконига таъсир қилади. Энди абитуриентлар ўтган йилгидек мутахассислик блокада мавжуд 2 та фанга қараб эмас, балки уларнинг биринчи ёки иккинчи фанлигини ҳисобга олиб, 5 та ОТМни танлайди.

Барча тест топширувчилар учун мажбурий бўлган 3 та фан – математика, она тили ва Ўзбекистон тарихи бўйича 10 тадан, жами 30 та савол тушади ва уларга 1,1 баллдан берилади (2021 йили мажбурий блок учун 2,1 баллдан берилган).

Мажбурий блокдан жами тўплаш мумкин бўлган балл – 33 балл. Бакалаврият таълим йўналишига мос бўлган 2 та фан бўйича жами 60 та савол берилади. Биринчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 93 балл, иккинчи фандан тўплаш мумкин бўлган максимал балл 63 балл. Умумий ҳолда, 2022-2023 ўқув йили қабулида абитуриентларга 5 та фан бўйича жами 90 та тест топшириғи берилади. Бунда тўплаш мумкин бўлган максимал балл – 189 баллни ташкил этади.

Бу йил кириш имтиҳонларида абитуриентларга тестларни ишлаш учун 3 соат вақт берилади. Вазирлар Маҳкамасининг тест топшириқларини ўтказишга оид 261-сонли Низомида 30 та савол учун бир соат вақт берилиши ёзилган. Демак, 90 та саволга 3 соат вақт берилади.

Базми йўналишларда имтиҳон олинadиган фанлар янгиланган. Давлат ОТМларида таълим йўналишлари сони – 461 та, шундан 7 фоизда иккита фаннинг ўрни ўзгарган. Бу вазиятда битта фан қолган таълим йўналишлари эса 2,8 фоизни ташкил қилган бўлса, фақатгина битта йўналиш – биотибийет муҳандислиги йўналишида мутахассислик фанлари бутунлай янгиланган. Жумладан, филология ҳамда ўзбек тили ва адабиёти йўналишларида иккинчи фан – та-

рих ўрнига чет тили киритилди. Мактаб ёки коллеж, лицейни бир йил аввал тугатган абитуриентларнинг барчаси кириш имтиҳонларида қатнашиш учун пул тўлайди. Бу йилдан бошлаб «Ижтимоий химоя ягона реестри» ахборот тизимида рўйхатга олинган шахслар ва уларнинг фарзандлари, «Ёшлар дафтари»да рўйхатда турувчи ёшлар тўлов ундирилмайдиганлар тоифасига киритилди.

Шунингдек, абитуриентлар ҳужжат тўлдирётганда мақсадли ёки мақсадсиз қабулдан бирини танлаши мумкин бўлади. Мана шу жиҳатга жиддий эътибор бериши лозим. Мақсадли қабулни танлаган абитуриент мазкур таълим йўналиши бўйича мақсадли (абитуриентнинг доимий яшаш ҳудуди учун мақсадли қабул параметрлари ажратилган бўлса), ҳам умумий танловда иштирок этади. Мақсадли қабулни танламаган абитуриент эса мазкур таълим йўналиши бўйича умумий танловда иштирок этади, холос.

Яна бир муҳим жиҳати, мақсадли қабул асосида ўқишга қабул қилинган абитуриентларга олий таълим муассасасини тамомлагандан сўнг тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти юкланади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАКУРС

2021 йилда 91 нафар давлат хизматчиси пора олган, улардан 49 нафари — биринчи раҳбар, 8 нафари — ўринбосар, 34 нафари — бошқа ходимлар. 91 та пора олиш жиноятдан 26 таси ёки 28,5 фоизини бевосита суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари содир этган бўлиб, бу умумий пора олиш жиноятининг деярли учдан бир қисмидир. Уларнинг 77 нафари эркак, 14 нафари аёллар.



КОРРУПЦИЯ ВА ПОРАХЎРЛИК:

БУ ИЛЛАТЛАР УНГА ҚАРШИ КУРАШ КУЧАЙГАНДАН КЕЙИН КЎПАЙДИ...(МИ?)

Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг қўшимча қилишича, энг кўп пора миқдори 200 минг АҚШ доллари, энг кам пора миқдори 50 АҚШ доллари бўлса, ўртача пора миқдори 8 065 АҚШ доллари ёки 3,92 млн. сўмни ташкил этган. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида 17 та ҳолатда пора олиш жинояти содир бўлган ва бу 2021 йилнинг шу даврига нисбатан 40 тага кам демакдир. Коррупциявий жиноятлар орасидаги энг оғир ва ижтимоий хавфлиси — пора олишдир. Ҳўш, ушбу жиноят коррупцияга қарши курашиш кучайганидан кейин камайдими ёки...? Қайси соҳаларда порахўрлик авж олган ёхуд қайси ҳудудлар бу борада «етақчи»? Унга қарши курашиш учун бугунги чоралар етарли бўляптими?

ҚАЙСИ СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯ ЮҚОРИ?

Тан олиш керак, бугун тиббиёт, банк, таълим соҳасида ишга қабул қилишда шаффофлик етишмаяпти. Айрим маҳаллий ҳокимлар ерларни узоқ вақтгача захирада ушлаб туришга интиляпти, давлат активларини бошқариш, давлат муассасалари ерларини осонгина ўзлаштириб юбориш ёки эгаллаб олиш, банк кредитлари ажратишда таъмагирилик — буларнинг ҳар бири пировардида коррупцион жиноятларни келтириб чиқармоқда.

2021 йилда энг кўп коррупцион ҳолатлар айнан **соғлиқни сақлаш, банк ва таълим тизимида** кузатилган. Таълим ва тиббиётдаги коррупция ҳақида кўп гапирдик. Келинг, банк тизимида тўхталиб ўтамиз.

Рейтинг натижаларига кўра, 2022 йилнинг биринчи чорагида банк ходимлари 128 та коррупцион жиноят содир этиб, мамлакатда таълим соҳасидан кейинги

2-ўринни эгаллади.

Ўрганишлардан маълум бўлишича, тизимда маблағларни талон-торож қилиш, хизмат кўрсатиш, кредит ажратишда суиистеъмолчиликка йўл қўйилмоқда. Сўнгги икки йилда тизимдаги 676 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган. Энг ачинарлиси, пулни ўзлаштириш ҳолатлари аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган турли дастурлар доирасида амалга оширилмоқда.

Мисол учун, «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури бўйича 20 млрд. сўмдан ортиқ маблағ банк ходимлари томонидан талон-торож қилинган. Бунда Миллий банкда — 1,3 млрд. сўм, Микрокредитбанкда — 2,4 млрд. сўм, Халқ банкида — 3 млрд. сўм, Агробанкда — 12,3 млрд. сўм ўзлаштирилган. «Ёшлар — келажагимиз» дастури доирасида 3,5 млрд. сўм маблағ ёшлар бандлигини таъминлашга йўналтирилмай, жиноий тузилмалар орқали ноқонуний ўзлаштириб юборилган.

ТОШКЕНТ — ЕТАҚЧИ...

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал Бурҳонов коррупцияга қарши курашиш бўйича пойтахт кенгаши йиғилишида маълум қилишича, **Тошкент шаҳри мамлакатимиздаги энг коррупциялашган ҳудудлардан бири саналади**. Охириги икки йилда ҳудудда коррупцияга оид жиноятлар сони уч бараварга ошган. Мазкур ҳаракатлар натижасида ўтган йили давлат ва жамият манфаатларига 82 млрд. 640 млн. сўмлик моддий зарар етказилган. Коррупцияга оид жиноятлар энг юқори кўрсаткич Учтепа (33), Миробод (25), Чилонзор (20), Мирзо Улуғбек (20), ва Яшнобод (18) туманларига тўғри келади.

— **Ҳар ойлик рейтинг натижаларига кўра, Тошкент шаҳри мамлакатдаги энг коррупциялашган ҳудудлардан бири экани**

маълум бўлмоқда, — дейди **Акмал Бурҳонов**. — Тўғри, бу ерда пойтахт ҳудуд эканининг ҳам таъсири мавжуд. Шундай бўлса-да, рақамлар Тошкент шаҳри учун салбий кўрсаткичларни тақдим этмоқда. Бу ҳолат нафақат шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларини, балки ҳокимлик тизими, ҳар бир идора ва ташкилот раҳбарини ўйлантириши керак. Афсуски, шаҳар коррупцияга қарши курашиш кенгаши бирор ташаббус билан чиқмаяпти. Биз буни 2021 йил якунлари бўйича ҳудудий кенгашларнинг рейтинг баҳолаш натижаларига кўра, пойтахт маълумотларни кечиктириб ва белгиланган талабларга зид равишда тақдим этгани учун умуман баҳоланмагани ҳамда мамлакат ҳудудлари орасида охириги ўринни банд этганидан ҳам кўришимиз мумкин.

ЭНГ АСОСИЙ УЧ ОМИЛ — БУ...

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда коррупциянинг ривожланишига таъсир қилувчи учта асосий омил мавжуд.

Биринчиси, етарли бўлмаган очиклик ва маълумотнинг йўқлиги. Хорижий тажриба шуни кўрсатадики, ошкоралик коррупциянинг олдини олувчи биринчи омиллардан саналади. Агар давлат идораси ёки мансабдор шахс жамоат олдида ўз фаолияти тўғрисида — молиявий масалалардан тортиб, ишга қабул қилинишгача ҳисобот берса, бу коррупцияни камайтиришга ёрдам берувчи очиклик бўлади.

Иккинчиси, фуқаролик жамияти иштирокининг етишмаслиги. Давлат фуқаролик жамиятига кўпроқ суяниши, унга ёрдам бериши ва рағбатлантириши керак. Айнан уларнинг кўмаги давлатнинг ўзи учун ҳам муҳим ёрдамдир. Бунда нафақат алоҳида агентлик яратиш, балки бу ишга фуқаролик жамиятини жалб қи-

лиш муҳимдир (бу борада коррупция ҳақида хабар берганлар мукофотланиши илк қадамлар сифатида баҳолашни мумкин).

Учинчиси, жазосиз қолиш ҳисси. Албатта, қонунчилигимизда порахўрлик учун жазо чоралари кўзда тутилган. Аммо маълум вақт ўтгач, биз пора олганларни яна давлат органларида, қайсидир ташкилотларда кўрамиз. Одамлар бундай жиддий қонунбузарлик қораланмайди ва, ҳатто қаердадир кечиради, деган фикрга боради. Кўринадики, қаттиқ жазо ва оқибатлар бўлиши керак. Лавозим жиноятлари, айниқса, порахўрлик учун жазо бошқаларни бу йўлдан қайтарувчи намуна бўлиши лозим. Масалан, Японияда ҳар доим ҳам жиноятга олиб келмайдиган кичик бир расмий қоидабузарлик учун амалдор истеъфога чиқади. У жарима тўлаши мумкин, аммо у давлат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан умрбод маҳрум бўлади.

Юқоридаги каби коррупцияга йўл очаётган омилларни яна узоқ давом эттириш мумкин. Давлат идораларидаги қоғозбозлик, лицензия ва рўхсат беришда сақланиб қолаётган бюрократия, пора учун жазо чораларининг аниқ кўрсатилмагани (*мисол учун, баъзи маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун БҲМнинг бешдан ўн бараваригача жарима тўлаш керак. Нега аниқ 10 баравар эмас? Натижада давлат хизматчисида жарима миқдорини камайтириш учун пора талаб қилиш имконияти мавжуд*) шулар жумласидан.

ОДАМЛАРНИ ПОРА БЕРМАСЛИККА ИШОНТИРИШ МУМКИНИ?

Албатта, одамларни фақат амалий чоралар билан бунга ишонтариш мумкин. Ўрни улар ўзларининг намуналарида, амалда, масалани пулсиз ҳам ҳал қи-

лиш мумкинлигини кўришлари керак. Бунинг учун, аввало, инсон омилини бутунлай чиқариб ташлаш керак. Фуқаро ва давлат идораси ўртасида давлат хизматларини кўрсатишда заррача инсон омили бўлмаслиги лозим.

Шаффоф тизим ва очик маълумотлар бўлиши зарур. Масалан, автомобилларга давлат рақамларини сотишни олинг. Умуман олганда, барча рақамлар очик сотувда сотилиши тарафдоримиз. Айтилик, менга «023» рақами ёқди. Ушбу рақам сотилмайди. Аммо агар ходим менга аниқ шу рақам кераклигини билса, у пора талаб қилиши мумкин. Шунинг учун ҳамма нарса шаффоф бўлиши лозим. Агар кимдир бино ёки ер сотиб олмоқчи бўлса, ҳамма билиши учун барча маълумотлар интернетда бўлсин.

Барча давлат идоралари оддий фуқароларнинг пуллари, даромадлари ва солиқлари ҳисобига мавжудлигини билишлари керак.

Албатта, бунда фуқаролар ҳам фаол иштирок этишлари зарур. Улар ҳар қандай коррупция содир этилган ҳолатлар тўғрисида хабардор қилишлари шарт.

Давлат муассасаларида «комиссиябозлик» деган балага барҳам бериш лозим. Кунда-кунора комиссия, хатомизни топиб олмасин, фалончадан йиғайлик, деган гап бўмасин.

Хусусий секторни солиқ ёки бошқа алоқадор идоралар чангалидан қутқариш зарур. Солиқ тизими содда, тушунарли ва имкон қадар арзонлаштирилиши лозим. Тадбиркор камроқ солиқ тўлаш учун даромадини, савдо айланмасини камайтириб кўрсатиш учун бош қотириб юрмасин. Ва солиқ тизимини ўта автоматлаштириш керакки, унда на тадбиркор ўйин қила олсин, на текширувга ҳожат қолсин.

Санжар ИБРОҶИМОВ.

ҲОЛАТ

Мамлакатимизда 7 миллион 135 мингга тураржой бинолари мавжуд. Ижтимоий объектлар, шифохоналар, боғчалар, мактаблар, маъмурий бинолар билан қўшиб ҳисоблаганда, иншоотлар сони 10 миллионгадан ошади. Хўш, уларнинг ҳаммаси ҳам кучли зилзилага дош бера оладими? Ҳар ким ўз билганидек уй қураверса, бирор қорхон юз берганда, жабр чекканлар сони кескин ошиб кетмасмикин?



УЙИНГИЗ ЗИЛЗИЛАГА БАРДОШ БЕРА ОЛАДИМИ?

Бу ҳақда гап кетганда, айтиш керакки, бундан буён яқка тартибдаги уй-жойларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш масаласи қатъий тартиб-қоидалар асосида амалга ошади. Бу борада жорий йилнинг 30 май куни Президентнинг «Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган. Янги тартибларга кўра, ҳар йили 1 апрелга қадар республика ҳудудидаги сейсмик заиф ижтимоий соҳа объектлари рўйхати шакллантирилиб, инструментал-техник текширув ўтказиш амалиёти йўлга қўйилиши аҳоли хавфсизлиги йўлидаги муҳим янгиллик дейиш мумкин.

Шу йилнинг 1 октябрдан бошлаб, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлиmlари томонидан республика ҳудудидаги кўп квартиралар уй-жойлар махсус текширув асосида зилзилабардошлик бўйича хатловдан ўтказилади. Бунда сейсмик заиф ёки авария ҳолатига келиб қолган бинолар ёки аниқланган шундай бинолар ўрнига янги юқори қаватли биноларни қуриш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади. Хўш, фармон ижроси қандай амалга оширилади?

— Ушбу фармонда Қурилиш вазирлигига юқори қаватли биноларни лойиҳалаш бўйича махсус «Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари»ни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган, — дейди Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази бўлим бошлиғи Азизбек Нурмирзаев. — Бугунги кунда 350 дан ортиқ «Шаҳарсозлик норма ва қоидалари» амалга татбиқ этилган, лекин буларнинг орасида юқори қаватли бинолар учун нормативлар мавжуд эмас эди. Боиси республикамизда аввал 30-40 ёки 50 қаватли бино-

лар барпо этилмагани сабабли бунга эҳтиёж бўлмаган. Сўнги йилларда юртимизда осмонўпар бинолар қурилиши бошланди ва уларнинг зилзилабардошлигини таъминлаш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Қурилиш вазирлиги қошидаги Қурилишда техник меъёрлаш маркази мутахассислари томонидан бу йўналишда Япония, Америка ва Жанубий Корея каби ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ўрганилади ва юқори қаватли бинолар зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича махсус норма ва қоидалар ишлаб чиқилади. Зилзилабардош қурилиш соҳасида лойиҳалаш, қуриш ва қурилиш сифатини назорат қилиш усулларини ўрганиш мақсадида ходимларнинг амалиёт ўташ учун хорижга сафарини ташкил этиш белгиланган.

Яна бир янгиллик шуки, аҳолининг барча қатламини зилзиладан олдин, зилзила вақтида ва зилзиладан сўнг тўғри ҳаракат қилишга мустақил ўргатишга мўлжалланган мобиль илова ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинади. Бу ишлар Фавқулодда вазиятлар вазирлиги зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, мазкур вазирлик республикада сейсмик хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ қатор янги ваколат ва имкониятларга эга бўлди.

— Фармон билан Фавқулодда вазиятлар вазирлигига автоматлаштирилган комплекс прогностик станцияларни кўпайтириш ҳисобига республика ҳудудини тўлиқ мониторинг қилиш имкониятини кенгайтириш вазифаси қўйилди, — дейди ФВВ ҳузуридаги Сейсмопрогноз мониторинг маркази директори биринчи ўринбосари Сайдулло Набиев. — Айни пайтда марказимиз тизимида 10 та комплекс прогностик станция мавжуд. Станциялар сонини кўпайтириш орқали республика

ҳудудида содир бўлиши мумкин бўлган зилзилалар даракчиларини аниқлаш имконияти янада ошади. Миллий сейсмик кузатувлар тармоғининг халқаро сейсмик кузатувлар глобал тизимига киритилган станциялар билан доимий алоқалари таъминланади. Бу эса зилзилаларнинг жойини юқори аниқликда топиш, уларнинг чуқурлиги, магнитуда ва сезилиш балларини янада ёрқинроқ тадқиқ этиш имкониятини оширади. Қўшни республикалар сейсмик станциялари билан тўғридан-тўғри маълумотлар алмашиш тизими такомиллаштирилиши ҳам катта имкониятлар тақдими этади.

Зилзила юз берганда биноларгина талафот кўрмайди, балки кўплаб иншоотлар қаторида сув омборлари тўғонларига зарар етишини унутмаслик керак. Шу боис тўғонларда ўпирилиш юз бериш эҳтимоли, уларнинг зилзилага чидамлилиги долзарблигини йўқотмайди. Мамлакатимизда 58 та табиий ва сунъий сув омборлари мавжуд бўлиб, техник жиҳатдан ушбу иншоотлар 4-тоифа билан тавсифланади.

Фармонга кўра, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб, космик мониторинг доирасида симуляцион дастур орқали зилзила натижасида тўғон ўпирилганда сув боши мумкин бўлган республика ҳудудларининг визуал 3D моделлари ишлаб чиқилади. Шунингдек, 2023 йил 1 июлга қадар барча сув омборлари ва гидротехник иншоотлари зилзилабардошлик бўйича экспертизадан ўтказилади. Жорий этилаётган бундай амалиётлар сув иншоотлари яқинида яшайдиганлар учун енгил нафас олишга арзидиган яхши янгиллик.

— Республикаимизда 300 дан ортиқ тўғонлар бор, айниқса, Чорвоқ, Тўпаланг тўғонлари жуда баланд, — дейди Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамли-

ги институти директори Карим Султонов. — Улар дунёдаги йирик тўғонлардан саналади. Буларнинг хавфсизлигини таъминлаш жуда муҳим. Фармон билан жорий этилаётган сув омборлари ва гидротехник иншоотларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун космик мониторинг қилиш тажрибаси Ўзбекистон Республикаси тарихида биринчи марта амалга ошмоқда. Узлуксиз мониторинг олиб бориш мазкур иншоотлар ҳолатини, пайдо бўлиши мумкин бўлган ўпирилишлар ёки сейсмик заифликнинг олдини олиб, хавф-хатарни бартараф қилиш имконини кенгайтиради.

2022 йил 1 декабрга қадар республикадаги барча кўприклар, тоннеллар, эстакадалар, темир йўл кўприклари ҳамда бошқа иншоотлар хатловдан ўтказилади. Натижалар умумлаштирилиб, ягона рақамлаштирилган маълумотлар базаси ташкил этилади. Шунингдек, мазкур иншоотлар идоравий мансублиги бўйича тегишли вазирлик ва ташкилотларга бириктирилади. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларининг рақамлаштирилган сейсмик микроҳудудлаштириш хариталари ишлаб чиқилади. Шу асосда бинолар зилзилабардошлигини ошириш чоралари кўрилади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, юртимиздаги ҳеч қайси ҳудуд табиий офатлардан тўлиқ ҳимояланмаган. Юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалар оқибатларини таҳлил қилиш, унга қарши чоралар кўриш, ҳодисаларга тайёр туриш эса фуқаролар ва давлат мулкига етиши мумкин бўлган зарарларни камайтиради, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш имконини оширади. Давлатимиз раҳбарининг фармони бу борада муҳим дастур ва ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

У. ИБОДИНОВ.

ВАЗИЯТ

Теледўкон 51 млн. сўмдан ортиқ зарар келтирди

Телевизион дўконларнинг юқори даражада машҳурлигига сабаб битта – бу қулайлик. Яъни уйдан туриб сиз полни ювиш воситасидан тортиб, то рангли бўёқларгача ҳамма нарсани буюртма қила оласиз. Гўёки, тавсия этилган маҳсулот нархлари бир қарашда арзондек ва сиз исталган вақтда, ўзингиз хоҳлаган маҳсулотни уйни ўзиданок буюртма қилишингиз мумкин.



Мамлакатимизнинг бир қанча телеканалларида «онлайн теледўкон»лардан чиқишлар қунига бир неча бор такрор-такрор намоиш этилади. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига жорий йилнинг ўтган даврида таниқли теледўконлардан бири «HOPSHOP»га эътироз билдириб мурожаатлар қилинган. Агентликка тушган 90 дан ортиқ мурожаатлар ўрганилганда, истеъмолчиларга етказилган жами зарар миқдори 51 млн. сўмдан ортиқни ташкил этгани маълум бўлди. Аслида маҳсулотларни ўрганиш учун фурсат йўқлиги сабаб истеъмолчилар кўпинча етказиб берилгандан кейин аттанг қилиб,

харидларига ачиниб қоладилар. Буюртма айнан истеъмолчи кутганидек, яъни телевизорда кўрсатилганидан бутунлай бошқача бўлиб чиқади. Кейин унга нисбатан эътироз билдиришади.

МАШҲУР АЙЁРОНА МАРКЕТИНГ ТУЗОФИ

Бошловчилар турли-туман маҳсулотларнинг юқори сифати ва нархи барчани қониқтириши мумкинлигини мақтаб, таърифлашади. Ажабланарлиси, мазкур рекламаларда чегирмалар фақат намоишлар вақтида бўлиши таклиф қилинади. Телеканалда маҳсулот жуда сифатли

ва нархи арзонлаштирилганига алоҳида урғу берилади. Ана шу фаол реклама қилинаётган даврда истеъмолчи беихтиёр айёрона маркетинг тузофига илиниб қолади. Устига-устак, ролик сўнгидан зудлик билан кўрсатилган рақамларга кўнғироқ қилиш ва маҳсулотни сотиб олиш лозимлиги уқтирилади. Истеъмолчи бундай ҳолатни пайқамай қолиб, буюртма қилишга шошилади.

НАРХИ ЖОЗИБАДОР, СИФАТ-ЧИ?

Шу ўринда истеъмолчиларга «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда товар, шунингдек, ишлаб чиқарувчи ҳақида тўғри ва тўлиқ маълумот олиш, товарни эркин танлаш ҳамда унинг тегишли даражада сифатли бўлишини талаб қилиш ҳуқуқига эғалигини эслатиб ўтамыз.

Қонунга мувофиқ, агар маҳсулот ҳақида нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот берилганлиги, зарур истеъмол хоссаларига эга бўлмаган товар сотиб олинишига сабаб бўлса, истеъмолчи шартномани бекор қилишга ва ўзига етказилган зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Истеъмолчининг товар ҳақидаги нотўғри ёки етарли даражада тўлиқ бўлмаган маълумот туфайли етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги талаблари сотиб олинган товарнинг хоссалари ва жиҳатлари ҳақида истеъмолчи махсус билимга эга эмас, деган тахминга асосланиб қараб чиқилади.

“Нотўғри реклама оқибатида сотиб олинган товар (иш, хизмат) туфайли истеъмолчига етказилган зарар ишлаб чиқарувчи (ижроочи, сотувчи) томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

«Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда истеъмолчи нуқсонли товар сотилганда, агар бу ҳол шартнома тузиш пайтида айтиб ўтилмаган бўлса, ўз хошишига қараб қуйидаги бешта ҳуқуқларидан бирини талаб қилишга ҳақли эканлигини айтиб ўтиш лозим. Булар: товарни айни шундай маркази (моделли, артикулли) мақбул

сифатли товарга алмаштириб бериш, товарни бошқа маркали (моделли, артикулли) шундай товарга алмаштириб, унинг харид нархини тегишинча қайта ҳисоб-китоб қилиш, товарнинг нуқсонларини бепул бартараф этиш ёки истеъмолчининг ёхуд учинчи шахснинг нуқсонларини бартараф этишга қилган харажатларини қоплаш, харид нархини нуқсонга мутаносиб равишда камайтириш ва шартномани бекор қилиб, қўрилган зарарни қоплашдан иборатдир.

Истеъмолчи мазкур ҳуқуқларидан кафолат мuddати давомида товарнинг нуқсонлари аниқланган тақдирдагина фойдаланади. Агентлигимиз ходимларининг саъй-ҳаракатлари туфайли барча истеъмолчилар мурожаатлари ижобий ҳал этилмоқда. Нуқсонли товар харид қилинган ёки рекламада берилган хусусиятларга эга бўлмаган товарни, албатта, қайтариш ҳуқуқига эгасиз. Агар истеъмолчи сифатида ҳуқуқларингиз бузилса, «1159» қисқа рақамли ишонч телефони мурожаат қилишингиз мумкин.

Шаҳбоз ЗАРИПОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини
ҳимоя қилиш агентлиги
бош мутахассиси.

Ҳайдовчи... қидирувдаги шахс экан

ОГОҲЛИК



Тошкент шаҳрида жиноятчиликнинг олдини олиш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, кўпол турдаги қоидабузарликлар содир этган ҳайдовчиларни аниқлаш ва уларга нисбатан қонуний чоралар кўриш борасида мунтазам равишда ИИББ ЙХХБ ЙПХ бригадаси ҳамда ЙПХ масканлари, блок ва тўсиқ постларга хизматга жалб этилган ходимлар томонидан тезкор рейдлар ўтказилмоқда.

Мирзо Улуғбек туманида уюштирилган шундай тадбирда Дўрмон йўли кўчаси бўйлаб ҳаракатланиб келаётган «Nexia» русумли автоулов тўхтатилиб, унинг ҳайдовчиси — 1991 йилда туғилган, Шайхонтоҳур тумани, Маданият кўчаси 14-уйда рўйхатда турувчи Т.М. планшетдаги мавжуд Ўзбекистон Республикаси ИИБ «АБД» тизимидан текширилганида, у Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми билан айбланиб, Миробод тумани ИИОФМБ томонидан 2021 йил 6 майда расмий қидирувга берилгани аниқланган. Худди шундай, Янгиҳаёт тумани Янгиҳаёт кўчасида ҳаракатланиб келаётган «Хово» русумли автоулов тўхтатилиб, ҳайдовчи — 1990 йилда туғилган, Сурхондарё вилояти Термиз шаҳри Ф.Фулум кўчаси 11-уйда рўйхатда турувчи А.Х. шахси «АБД» тизимида текширилганида, у Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми билан айбланиб, 2022 йил 7 февралдан буён Сурхондарё вилояти ИИБ томонидан норасмий қидирувда экани

аниқланган. Юқоридаги ҳар икки ҳолат бўйича тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, фуқаролар туман ИИОФМБга олиб бориб топширилган. Рейдлар давомида спиртли ичимлик истеъмол қилган, автоуловга ноқонуний равишда турли мосламалар ўрнатиб олган шахслар аниқланди. Жумладан, Бектемир тумани Охангарон шоҳ кўчасида «Lacetti» русумли автоулов ҳайдовчиси А.И. автомобилга ўзбошимчилик билан «сирена» овози чиқарадиган мослама ўрнатиб, бошқариб юргани аниқланди. Унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 127-моддасига асосан, электрон маъмурий баённома расмийлаштирилди ва автомобиль вақтинчалик жарима майдонига жойлаштирилди. Юқоридаги каби рейд тадбирлари Тошкент шаҳрининг барча туманларида 24 соат давомида олиб борилмоқда.

Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ ЙПХБ.

ТИББИЁТ

ИЛОН ЗАҲРИ

СОҒЛИҚ УЧУН Фойдалими?

Ота-боболаримиз қадим замонлардан табиий воситалар ёрдамида турли хасталикларга даво топиб келишгани ҳаммамизга маълум. Улар орасида энг хавfli ва самарадорларидан бири — илон заҳри ҳисобланади. Бу восита ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Юртимизда ҳам илон заҳри тўплаш, ундан дорилар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ўринда бир грамм илон заҳри бир грамм олтиндан ҳам қимматроқ туришини айтиб ўтиш керак.



Заҳар косметика, фармацевтика саноати учун нихоятда ноёб хомашё саналади. Шу боис бу восита контрабандаси билан шуғулланишни истайдиганлар ҳам кам эмас. Айрим ҳолларда божхона ходимларининг Ўзбекистондан илон заҳрини ноқонуний олиб чиқиб кетишга уринаётганлар қўлга тушгани тўғрисидаги маълумотлари эълон қилиб турилиши ҳам шундан. Юртимизда заҳар айланмаси ва уни қайта ишловчи лабораториялар қатъий назорат қилинади. Илондан заҳар олиш ўта хавfli, қолаверса, вақт, билим ва малака талаб этадиган машаққатли иш.

ИЛОННИНГ ХОТИРАСИ БЎЛМАЙДИМИ?



Институт серпентарийси — илонхонаси мудири Олим Расулов илонлар тилини тушунадиган мамлакатимиздаги энг кучли ва кам сонли мутахассислардан. У умрининг 25 йилини заҳарли жонзотлар тадқиқотида бағишлаган олим. Бу ерда Урта Осиё кобраси, қора қўлвор илони, чарх илон каби жониворларни парвариланиб, улардан заҳар олинади. — Заҳар оз-оздан олиб йиғилади, бунинг учун сабр-бардош керак, — дейди **О.Расулов**. — Илон ўз эгасини танимайдиган ягона жонзот, доим тажовузкорлиги боис заҳар олишда ўта эҳтиёткорлик зарур. Масалан, кобраларнинг 5-6 таси бир куб заҳар берса, шунча миқдор учун қора қўлвор илонларнинг 14-15 таси, чарх илонларнинг 55-60 таси керак. Кўзойнакли илон (кобра) Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудларида яшайди. Тегишли идоралардан рухсат олинса, бориб ушлаб келамиз. Қора қўлвор илонлар, асосан,

Зомин, Фориш туманлари, Ургут тоғларида учрайди. Сифатли заҳар олиш илонларни озиқлантиришга боғлиқ. Товуқ ошқозони, суяклар билан 5-6 кунда 1 марта жониворларни озиқлантираемиз. Асосий мақсадимиз — қайта қаддини тиклаётган институт фаолиятини ривожлантириш. Ҳозирча институтда илонлардан олинаётган заҳар хомашё сифатида фармкорхоналарга шартнома асосида етказиб берилмоқда. Кейинчалик шу ернинг ўзидан зардоблар тайёрлашни йўлга қўйиш режалаштирилган. Айни пайтда суюқ ҳолда илондан олиниб, сўнг махсус шарт-шароитларда кристалл ҳолга келтирилатган хомашёга талабгорлар кўп. «Биоком» хусусий корхонаси — асосий мижозлардан бири. Бу ердан олган заҳар «эритилиб» отларга инъекция қилинади. Ушбу жараёнда заҳар дозаси оз-оздан ошириб борилади. Мазкур жараён илмий тилда иммунизация дейилади, яъни бу билан организмда заҳарга қарши антитаначалар ҳосил қилинади. Антитаначалар текширилиб, меъерига етганда қон олинади. Антитаначали қоннинг иммуноглобулин фракциясини ажратиб олгач, у тайёр маҳсулотга айланади. Дори воситаси сифатида ампулаларга жойлаган препаратларимиз ёзги дам олиш оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётганлар, ҳарбийлар,

чегара қўшинлари ходимлари, геологоразведкачилар, чўлларда нефть изловчилар, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчилар учун бирламчи тез тиббий ёрдам воситаси сифатида жуда муҳим. Препарат доимо ушбу шахсларнинг ёнларида бўлиши керак. Корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам юқори. Аслини олганда, маълум бир ҳудуд илонларининг заҳарига қарши зидди заҳар бошқа ҳудудларда ярамайди. Масалан, Хитойдан экспорт қилинувчи зардоблар бизнинг юртимиз илонлари заҳрига қарши курашолмайди. Аммо бизда тайёрланадиган зардоблар таъсири анча кучли. Мазкур омил корхонанинг экспорт салоҳиятини йил сайин орттирмоқда. Айни пайтда Озарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозғистон каби қатор мамлакатлардан маҳсулотларга талаб юқори. Мутахассисларнинг эътирофи этишича, зардобидан ташқари, илон заҳрининг доривор хусусиятлари бисёр. Оғриқ қолдиради, яллиғланишга қарши кучли таъсирга эга, қон ивишини тезлаштиради, гематомалар, турли жароҳатлар ва кўкаришларни даволашда самарадор. Жуда кучли биостимулятор вазифасини ўтайди. Қон айланишини меъерига келтиради. Мазъ ва косметик кремлар асосида хужайраларни тиклаш ва даволаш жараёнларини фаоллаштиради.

ИЛОН ЧАҚИШИДАН ҲИМОЯЛАНМАГАНМИЗ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйича 5 миллиондан кўпроқ инсонни илон чақар экан. Кунига 220 нафардан 380 нафаргача, йилига 80 мингдан 138 минг нафаргача одам илонлар туфайли ҳалок бўлади. Омон қолганларнинг айримлари ногиронга айланса, қўлоқларини ампутация қилишга тўғри келадиганлари ҳам бор. ЖССТ илонлар чақиши билан боғлиқ ўлим ва ногиронлик ҳолатларини икки мартага қисқартириш бўйича стратегия ҳам ишлаб чиққан. Юртимизда сайёрамиздаги заҳари энг кучли — кўзойнакли илон, қора қўлвор илон, чарх илонлар яшайди. Демак, бу балодан ватандошларимиз ҳам тўла ҳимояланган, дея олмаймиз. Айниқса, тоғ-кон ва нефть соҳаси, ҳарбий хизмат ходимларининг табиат қўйнида меҳнат қилиши, ёзги дам олиш зоналарида йилига минглаб одамлар, жумладан, болаларимиз ҳордиқ чиқаришини инobatга олсак, зидди заҳар ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини теран англаймиз. Бундай зардоблар соғлиқни сақлаш вазирлиги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги тасарруфидаги Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институтида тайёрланади.



ИНСТИТУТ ҚАЙТА ТАШКИЛ ҚИЛИНГАН

Тошкент вакцина ва зардоблар илмий тадқиқот институти 100 йилдан ортиқ тарихга эга. Олимлари томонидан 120 дан ортиқ номдаги вакциналар ва зардоблар, даволаш, ташхис ва бошқа профилактика воситалари ишлаб чиқарилиб тиббиёт амалиётига татбиқ этилган. Ишлаб чиқариш бўлимларида тайёрланган маҳсулотлар Яқин ва Урта Шарқ, Лотин Америкаси, Африкадаги 500 дан ортиқ истеъмолчиларга экспорт қилинган. Аммо яқин ўтган йилларда институтнинг илмий салоҳиятидан фойдаланилмади, ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Оқибатда эса муассаса том маънодаги таназзулни бошидан кечирди. Бугунги кунда институт Президентимизнинг алоҳида эътибори сабаб ривожланиб, аввалги шухратини тиклаб бормоқда.

У.ИБОДИНОВ тайёрлади.



ҲИДОЯТ ЁҒДУСИ

ҚУРБОНЛИК ОДОБЛАРИ:

Қурбонлик қилиш кимларга вожиб, бу амал қандай бажарилади?

Мамлакатимизда 9 июль — Қурбон ҳайити куни сифатида белгиланди. Бу байрам бошқаларидан шуниси билан ажралиб турадики, мазкур айёмда Аллоҳ йўлига қурбонлик қилинади ва унинг гўшти етим-есирларга, маълум ва эҳтиёжманд кишиларга тарқатилади. Бу шариат аҳкомларида белгилаб қўйилган. Хўш, қурбонлик қандай қилинади ва унинг гўшти айнан кимларга берилади? Қуйида қурбонликка оид энг муҳим жиҳатларга тўхталиб ўтамиз.

КИМЛАР ҚУРБОНЛИК ҚИЛИШИ МУМКИН?

Қурбонлик – сўзининг ўзаги «қурбон», арабчадан таржима қилинганда, «яқинлашиш» деган маънони билдиради.

Қурбонлик қилинадиган «махсус вақт» дегани — Зул-ҳижжа ойининг ўнинчи (яъни Қурбон ҳайити куни), ўн биринчи ва ўн иккинчи кунларидир. Унинг охириги вақти Зул-ҳижжанинги ўн иккинчи куни қўёш ботиши билан ниҳоясига етади. «Хос ҳайвон»дан мурод — қурбонлик учун сўйиладиган туя, қорамол, қўй ёки эчкидир. Қурбонлик қилиш шариатимизда худди закот каби ҳижратнинг иккинчи йили жорий этилган.

Ҳанафий мазҳаби бўйича қурбонлик қилиш — вожибдир. У — ҳур, балоғат ёшига етган, оқил, муқим, яъни сафарда бўлмаган ва закот нисобига эга бўлган мусулмон шахсга вожиб бўлади. Қурбонлик қилишнинг вақти ҳайит куни тонг отиши билан қиради ва учинчи ҳайит куни қўёш ботиши билан чиқади. Қурбонлик қилиш ҳайит намози ўқиб бўлингандан кейин бошланади.

Бу ҳақида Пайғамбаримиз (с.а.в.) шундай деганлар: **«Дарҳақиқат, бугунги кунда аввал бошлайдиган ишимиз ийдул азҳо (қурбон ҳайити) намозини ўқиш, сўнгра (уйларимизга) қайтиб қурбонлик қилишдир. Ким шундай қилса, демак у суннатимизга мувофиқ иш қилибди. Кимдаким ҳайит намозидан олдин сўйса, у қурбонлик эмас, балки ўз аҳли учун тақдим қилган гўштдир»** (Имом Бухорий ривояти).

ҚОРАМОЛ ЕТТИ КИШИГА ЕТАДИМИ?

Қурбонлик учун қўй, эчки, қорамол ва туядан бири сўйилади. Бу ҳайвонларнинг эркаги ҳам, урғочиси ҳам, бичилгани ҳам, бичилмагани ҳам қурбонликка яради. Булардан бошқа ҳайвонларни қурбонлик қилиб бўлмайди.

Қўй-эчки бир кишидан, туя ва қорамол етти кишигача одамлардан қурбонлик қилинади. Бу ҳақида Жобир Ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади, у зот айтди: **«Расулulloҳ (с.а.в.) билан Ҳудайбия йили мол ва туядан ҳар бирини етти кишининг номидан сўйдик»** (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, туя ёки сигир (ёки буқа)га етти кишигача шерик бўлиши мумкин. Ундан ортиғи дуруст эмас.

Қурбонлик қилинадиган туя беш ёш, қорамол икки ёш, қўй ё эчки бир ёшга тўлган бўлиши шарт. Бу ёшга етмаган ҳайвонларни сўйиш билан қурбонлик адо бўлмайди. Фақат бир ёшли қўйларга тенглашиб кетган бўлса, олти ойлик қўзи ҳам қурбонликка яради. Шохининг баъзиси синган қўйни қурбонлик қилишга рухсат берилган.

ҚАНДАЙ ҲАЙВОН ҚУРБОНЛИККА СЎЙИЛМАЙДИ?

Қурбонлик учун сўйиладиган ҳайвон нуқсонсиз бўлиши муҳимдир. Баро ибн Озиб (р.а.) бу ҳақида ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ (с.а.в.) бундай деганлар: **«Тўрт хил жониворни қурбонлик қилиш жоиз эмас: бир қўзи кўрлиги аниқ билиниб турган, касаллиги аниқ билиниб турган, оқсоқлиги аниқ билиниб турган ва илиги йўқ бўлиш даражада қариб қолган ҳайвонлар»**.

Шунингдек, шохи таг-туби-

дан синган бўлса, уни қурбонликка сўйиш жоиз эмас. Қўтир қўйни қурбонликка сўйиш учун қўтирлик гўштга ўтмаган ва айни пайтда ем-хашак еб турган бўлиши шарт. Акс ҳолда, қўтир қўйни қурбонликка сўйишга рухсат берилмайди. Демак, қурбонлик қилиш учун ҳайвон танлаш пайтида мазкур камчиликлар бўлмаслигига алоҳида эътибор бермоқ лозим.

Яна бир муҳим жиҳат: қурбонликнинг энг афзали — қурбонлик қилувчининг ўзи сўйишидир. Агар ўзи сўйишни билмаса, бошқа одамга буюриш ҳам мумкин. Лекин сўйиш вақтида ҳозир бўлиш мустаҳабдир (савоби улўғроқдир).

ГЎШТНИ ТАРҚАТИШ — САВОБДИР

Қурбонлик гўшtidан унинг эгаси ейиши, бойу камбағалларга едириши ва сақлаб қўйиши жоиз. Чунки Пайғамбаримиз алайҳиссалом: **«Сизларни қурбонлик гўшtlарини уч кундан кейин ейишдан қайтарган эдим, энди истаганча еяверинглр...»**, – деб марҳамат қилганлар (Имом Табароний, «Ал-Муъжам ас-сағир»).

Демак, ҳар бир одам ўзи сўйган қурбонлигининг гўштини учга тақсимлаб, бир қисмини хонадонига қолдириб, бир қисмини зиёфат қилиб кўни-қўшни, дўсту ёрларини чақирса, бир қисмини бева-бечораларга тарқатса, савоб бўлади.

С.ИБРОҲИМОВ тайёрлади.



«**Ҳар бир одам ўзи сўйган қурбонлигининг гўштини учга тақсимлаб, бир қисмини хонадонига қолдириб, бир қисмини зиёфат қилиб кўни-қўшни, дўсту ёрларини чақирса, бир қисмини бева-бечораларга тарқатса, савоб бўлади.**»

БИЛАСИЗМИ?

Қурбон ҳайити куни қандай амаллар бажарилади?

1. Арафа куни кечаси, яъни ҳайит кунига ўтар кечасини бедор ўтказиш. Ҳайит кунига ўтар кечани Қурбон тиловати, зикр, тасбиҳ ва нафл намозлар билан ўтказиш улкан савобларга сабаб бўлади. Расулulloҳ (с.а.в.): **«Ким икки ийд кечаларини Аллоҳдан савоб умидида қоим қилса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмас»**, деганлар (Ибн Можа, Табароний ривояти).
2. Ғул қилиш. «Расулulloҳ (с.а.в.) Фитр, Азҳо ва Арафа кунлари ғул қилар эдилар» (Ибн Можа ривояти).
3. Энг яхши, янги ёки тоза кийимларни кийиш.
4. Хўшбўйлашиш.
5. Қурбон ҳайити намозига чиқишдан олдин ҳеч нарса емаслик. «Расулulloҳ (с.а.в.) Рамазон ҳайитида таомланмасдан чиқмасдилар, қурбонлик кунда эса намоз ўқигунларича таомланмасдилар» (Имом Термизий ривояти).

Эслатма! Баъзилар қурбон ҳайитида ҳеч нарса емай намозга чиқишни нотўғри тушуниб, куннинг аввалги ярмига қадар рўзани ният қилиш керак, дейишади. Шу билан бирга, ўша куни саҳарликка туришда ва оғизларини ният билан беркитиб намозга чиқишади. Ҳайит намози ўқиб бўлингач эса, худди ифторликдаги каби оғизларини очишади. Бундай қилиш нотўғри. Ҳайит кунларида рўзани ният қилиш ҳаром амал саналади. Қолаверса, ярим кунга рўза ният қилинмайди.

6. Масжидга имкон бўлса пиёда ва эртарақ бориш. «Расулulloҳ (с.а.в.) икки ҳайит намозига пиёда юриб чиқардилар» (Ибн Можа ривояти).
7. Йўлда таҳлил (Лаа илаҳа иллаллоҳ), такбир (Аллоҳу акбар) ва таҳмид (Алҳамдулиллаҳ) айтиш. «Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар, Лаа илаҳа иллаллоҳу Аллоҳу акбар, Аллоҳу акбар ва лиллаҳил ҳамд».
8. Ҳайит намозидан олдин бошқа бирор нафл намоз ўқимаслик. Масжидга боргандан сўнг таҳийятул масжид ёки бошқа бирор нафл намоз ўқимасдан зикр қилиб ўтириш лозим.
9. Намозга бир кўчадан бориб, бошқасидан қайтиш. Набий (с.а.в.) шундай қилар эдилар.
10. Ҳайит билан муборакбод этиш. Саҳобалар: **«Тақоббал Аллоҳ минна ва минкум (Аллоҳ биздан ҳам, сиздан ҳам қабул этсин)»**, деб бир-бирларини байрам билан табрикларди.
11. Аҳли аёл ва ёш болаларни хурсанд қилиш. Оилада байрам кайфиятини пайдо қилиш, совға-ҳадялар улашиш керак.
12. Қавм-қариндош, ёши улўғларни зиёрат қилиш.
13. Таниш-билиш, ёру дўст, кўни-қўшнилари байрам билан табрикларди.

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазириликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналі
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳқўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: **71 233-39-89,**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳоси келишилган нарҳда.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида чоп этилди.
Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри Буюк
Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчам — А3, 2 босма табақ,
10 850 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.